

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”

Тармоқ маркази директори

_____ Н.А.Муслимов

“ _____ ” _____ 2015 йил

**“МЕҲНАТ ТАЪЛИМИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ
ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИННОВАЦИЯЛАРИ”**

модули бўйича

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА**

Тузувчи: Толипов Ў.Қ. - ТДПУ, п.ф.д., проф

Тошкент -2015

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ	10
1-Мавзу Меҳнат таълимига оид назарий қарашлар, етакчи ва замонавий концепциялар.....	10
2-Мавзу Меҳнат таълими жараёнининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари	18
3-Мавзу Меҳнат таълими ўқитувчисининг модели. Меҳнат таълими ўқитувчисини тайёрлашда янги ча ёндашувлар. Меҳнат таълим ўқитувчининг касбий фаолият функциялари.....	26
4-Мавзу Меҳнат таълимини жараёнини мазмунан модернизациялаш.	40
5-Мавзу Меҳнат таълими соҳасида илмий изланишлар, уларнинг устивор йўналишлари.....	50
6-мавзу Меҳнат таълими ўқув хоналари ва уларнинг моддий техник базасига қўйиладиган замонавий талаблар.....	67
7-Мавзу Бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари.....	78

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий ва педагогик компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“**Меҳнат таълими**” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“**Меҳнат таълими**” йўналишида **қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.**

Модул бўйича бўйича тингловчиларнинг малакасига қўйиладиган талаблар

- меҳнат таълимининг замонавий йўналишларига оид назарий қарашлар, етакчи концепцияларини;
- меҳнат таълимининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари;
- олий таълим тизимида меҳнат таълими соҳасидаги кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларни;
- меҳнат таълими мазмунини модернизациялашни;
- меҳнат таълимининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини;
- меҳнат таълимидаги инновацияларни **билиши** керак.
- меҳнат таълим фанлари дарсларида талабаларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш;
- касб таълими фанларини ўқитишда ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибалардан фойдаланиш;
- меҳнат таълими жараёнида талабаларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмлари, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;
- меҳнат таълими жараёнида талабаларда мустақил равишда билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш, уларга раҳбарлик қилиш **кўникмаларига эга бўлиши лозим.**
- меҳнат таълими ўқитувчисининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш;
- модератор ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш;
- меҳнат таълими фанларини ўқитиш жараёнида талабаларнинг билимларини ҳолисона баҳолаш механизмларини, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт тестлар ҳамда ўқув топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;
- меҳнат таълими бўйича ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли вазият, Кейс-стади топшириқларини тузиш;
- меҳнат таълими жараёнида талабаларда мустақил равишда билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш;
- меҳнат таълимининг дидактик таъминотини такомиллаштириш каби **малакаларига эга бўлиши лозим.**
- меҳнат ий педагогиканинг замонавий йўналишларига оид назарий қарашлар, етакчи концепцияларини педагогик фаолиятда қўллаш олиш;

– меҳнат таълими бўйича ташкил этиладиган машғулотларда инновацион ва ахборот технологиялар, талабалар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методларни қўллаш;

– меҳнат таълими жараёнида талабаларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан педагогик амалиётда самарали фойдаланиш;

– ривожланган мамлакатларда педагогика ва психология ҳам мутахассислик фанларни ўқитиш методикасидаги илғор тажрибаларни таълим-тарбия жараёнига модернизация қилган ҳолда қўллаш *компетенцияларига эга бўлиши лозим.*

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Ўқув модуллари	Ҳаммаси	Жами ўқув юқламаси	Жумладан			Мустақил таълим
				назарий	амалий	қўчма машғулот	
1.	Меҳнат таълимига оид назарий қарашлар, етакчи ва замонавий концепциялар	2	2	2		-	
2.	Меҳнат таълими жараёнининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.	2	2	2		-	
3.	Меҳнат таълими ўқитувчисининг модели. Меҳнат таълими ўқитувчисини тайёрлашда янгича ёндашувлар. Меҳнат таълим ўқитувчининг касбий фаолият функциялари.	4	2	2		-	2
4.	Меҳнат таълимини жараёнини мазмунан модернизациялаш.	8	6	2	4	-	2
5.	Меҳнат таълими соҳасида илмий изланишлар, уларнинг устивор йўналишлари.	2	2	2		-	
6.	Меҳнат таълими ўқув хоналари ва уларнинг моддий техник базасига қўйиладиган замонавий талаблар.	6	6	2	4	-	
7.	Бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари.	6	6	2	4	-	
Жами		30	26	14	12	-	4

Асосий қисм:

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Асосий қисмда (маъруза) модулнинг мавзулари мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиб берилади. Бунда мавзу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тўла қамраб олиниши керак.

Асосий қисм сифатига қўйиладиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилар талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, иқтисодий эркинлаштириш, иқтисодий-ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги ислохотларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

Маъруза машғулоти

Меҳнат таълимига оид назарий қарашлар, етакчи ва замонавий концепциялар. (2 соат)

“Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш” фанининг мақсад ва вазифалари. Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр эгаллаши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар йиғиндиси. “Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш” ўқув фанини ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари. Буюк мутафаккирларнинг меҳнат таълими, касб танлашга йўллаш ва тарбиясига оид фикрлари.

Меҳнат таълими жараёнининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. (2 соат)

Касб танлашга йўллашнинг тарихий тараққиёти. Меҳнат таълими жараёнида касб танлашга йўллаш. Меҳнат таълими фани бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режа, ўқув дастурларининг таҳлили.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг модели. Меҳнат таълими ўқитувчисини тайёрлашда янгича ёндашувлар. Меҳнат таълим ўқитувчисининг касбий фаолият функциялари. (2 соат)

Меҳнат таълим ўқитувчисининг касбий фаолият функциялари. Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолиятини моделлаштириш. Меҳнат таълими ўқитувчисининг модели. Меҳнат таълими ўқитувчисини тайёрлашда янгича ёндашувлар.

Меҳнат таълимини жараёнини мазмунан модернизациялаш. (2 соат)

Таълимнинг дидактик тизими ҳақида умумий тушунча. Предмет тизими, операция тизими, операция-предмет тизими, моторли-машқ тизими, операцион-комплекс ва бошқа тизимлар. Меҳнат таълими дидактик тизимларини такомиллаштириш.

Меҳнат таълими соҳасида илмий изланишлар, уларнинг устивор йўналишлари. (2 соат)

5-7 синфларда йўналишлар бўйича умумий меҳнат тайёргарлиги. 8-9 синф касбий тайёргарликкача бўлган жараён мазмуни. 8-9 синф ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш асослари.

Меҳнат таълими ўқув хоналари ва уларнинг моддий техник базасига қўйиладиган замонавий талаблар. (2 соат)

Ўқув устахонасида меҳнатни илмий ташкил этиш. Устахонада ўқитувчининг иш ўрнини ташкил этиш. Устахонада ўқувчининг иш ўрнини ташкил этиш. Ўқув устахонасида санитария-гигиена қоидалари ва техника хавфсизлиги талаблари.

Бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари. (2 соат)

Кўрғазмали қуроллар ва уларни танлаш. Ҳозирги замон ўқув воситаларининг тавсифномаси. Ўқитиш воситаларининг ривожланиш истиқболлари.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар меҳнат таълимининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, меҳнат таълим ўқитувчининг меҳнат ий фаолият функциялари: (*гностик, лойиҳалаш, конструкциялаш, диагностика, прогностик, коммуникатив, ишлаб чиқариш-технологик, ташиқлотчилик*) ва меҳнат таълими соҳасидаги инновациялар билан танишадилар ва улар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда кичик гуруҳларга бўлиб ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари,

мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

Адабиётлар ва манбалар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –Т.: 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

1. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтаҳўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. – 208 б.
2. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
3. Абдуллаева Қ., Гаипова Н., Гафурова М., Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш, моделлаш ва бадий безаш. //Ўқув қўлланма. – Т.: «Ношир», 2010. 240 б.
4. Абдуллаева Қ.М. ва бошқалар. Газламага бадий ишлов бериш, каштачилик ва уни ўқитиш методикаси. – Т.: “Нисо”, 2012. – 260 б.

5. Абдуллаева Қ.М. ва бошқалар. Пазандачиликка ўргатиш методикаси. – Т.: ТДПУ. 2012. – 104 б.
6. Гаипова Н.С., Абдуллаева Қ.М. Тикувчилик технологияси ва жиҳозлари. – Т.: “Ворис”, 2007. – 230 б
7. Ишмухамедов Р, Абдуқодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъдод”, 2008. – 180 б.
8. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: “Ўқитувчи”, 2004. -102 б.
9. Қўйсинов О.А. ва б. “Касб таълими методикаси” фанидан мустақил таълимни ташкил этиш. – Т.: “Юсуф янги нашр”, 2012. – 60 б.
10. Қўйсинов О.А. ва б. “Меҳнат таълими методикаси, касб танлашга йўллаш” фанидан лаборатория машғулоти. Т.: ТДПУ, 2013. – 168 б.
11. Муслимов Н. ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2013. – 128 б.
12. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б
13. Нишоналиев У.Н., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С.. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. www.Ziyonet.uz
2. www.edy.uz
3. Infokom.uz. электрон журнали: www.infocom.uz
4. www.nuuz.uz
5. www.bimm.uz

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-Мавзу Меҳнат таълимига оид назарий қарашлар, етакчи ва замонавий концепциялар.

Режа:

1. “Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш” фанининг мақсад ва вазифалари

2. “Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр эгаллаши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар йиғиндиси.

3. “Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш” ўқув фанини ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари.

4. Буюк мутафаккирларнинг меҳнат таълими, касб танлашга йўллаш ва тарбиясига оид фикрлари.

Таянч иборалар: Меҳнат таълими, касб танлашга йўллаш, билим, кўникма, малака, меҳнат қуроллари, техник восита, дидактик материал, электрон ва тарқатма материаллар.

1.“Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш” фанининг мақсад ва вазифалари. Ўқувчиларни меҳнат ва касб оламига олиб киришнинг ҳар хил йўллари орасида “Меҳнат таълими” фани муҳим ўрин тутди. Унинг методикасини такомиллаштириш орқали фан учун моддий жиҳозни мустаҳкамлаш, мактабни ўз атрофидаги саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаси билан алоқасини мустаҳкамлаш, ижтимоий фойдали, унумли меҳнатни ташкил этиш, унинг тарбиявий иқтисодий самарадорлигини ошириш, уни таълим билан қўшиб олиб бориш, ўқувчиларни меҳнатга тайёрлашни яхшилаш бўйича ишлар йўлга қўйилади.

Меҳнат дарси мактабдаги бошқа фанлар учун умумий дидактик тамойилларни қўллашда, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Ўқувчилар билиш фаолияти билангина эмас, балки яратиш фаолияти билан

хам шуғулланадилар. Меҳнат фанлари, қуроллари, жараёнлари оддий ўрганиш объекти сифатида эмас, балки ўқувчилар амалий ишларини фаоллаштирувчи кўрсатмалилик воситаси, дидактик материал, таълимнинг техник воситаси сифатида хизмат қилади.

Фанни ўқитишдан мақсад - ўқувчиларни ҳар томонлама баркамол ривожланган, ҳозирги замон руҳида тарбияланган, бозор иқтисодиёти даврида таълим-тарбия ишини ташкил этиш ва уни амалга оширишга оид долзарб муаммоларни ижобий ҳал эта оладиган, миллий истиқлол ғояси, миллий ва умуминсоний қадриятларимизни чуқур ҳис этиб, уларни таълим-тарбия мазмунига сингдира оладиган шахс - меҳнат таълими, касб танлашга йўллаш ўқитувчиси сифатида шакллантиришдир. Мазкур курснинг мақсади ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим мактабларнинг 5-9 синфлари учун меҳнат таълими ўқитувчиси бўлиб шаклланишларида тегишли методик тайёргарлик кўришларини таъминлашда хизмат қилади.

Фаннинг вазифасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўқувчиларда педагогик-психологик билимларни умуммеҳнат, касб танлашга йўллаш ва умумкасбий кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёнига тадбиқ этиш;

- педагогик–психологик билимларни бевосита танланган соҳаларига тадбиқ эта олиш ва янги педагогик ҳамда ахборот технологиялари асосида методик муаммоларни ҳал этиш;

- мактабларда меҳнат таълими ва касб танлашга йўллаш дарсларини ўқитишни ташкил этиш ҳамда уни амалга ошириш методикасини ўргатишдан иборат.

2. “Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида талаба эгаллаши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар йиғиндиси.

“Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- меҳнат таълими, касб танлашга йўллаш йўналишлари бўйича таълим мазмунининг узвийлиги ва ўзаро боғлиқлиги; ўқув моддий базасини ташкил этилиши (ўқув материаллари ва мосламалар билан таъминланиши); давлат таълим стандартларининг ишлаб чиқилиш мезонлари ва унга қўйиладиган талабларни, касб типлари, касбга яроқлилик, касб танлашга таъсир этувчи омилларни **билиши керак;**

- ўқувчиларнинг меҳнат тайёргарлиги бўйича ўқув режаси ва дастурлар мазмунини; ўқув жараёнини ташкил этиш ва меҳнат таълими, касб танлашга йўллашга оид режалаштирувчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш, меҳнат таълими, касб танлашга йўллаш ва касб танлашга йўллаш дарсларини олиб бориш **кўникмаларига эга бўлиши керак;**

- таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида алоқалар ўрнатишни билиши, малака ҳосил қилиши ва амалда қўллай олиши; машғулотларни ўтказиш; ўқув жараёнини режалаштириш; тарбиявий тадбирларни ўтказиш; бандлик хизмати билан ишлаш; ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини аниқлаш бўйича турли тестлардан фойдаланиш; ота-оналар ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш **малакаларига эга бўлиши керак.**

Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш умумкасбий фан ҳисобланиб, 6 ва 7 семестрларда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган математик ва табиий (физика, математика, ахборот технологияси, чизмачилик, радиоэлектроника ва ҳ.к.), умумкасбий (педагогика, педагогик маҳорат, психология, меҳнат ва муҳандислик психологияси ва ҳ.к.) ва ихтисослик (материаллар технологияси, машинасозлик фанлари, ўқув устахоналарида амалий ишлар, касб таълими практикumi фанлари, техника хавфсизлиги ва ҳ.к.) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

Ўқувчилар фанни ўзлаштириш жараёнида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча соҳалар, уларда қўлланиладиган технологик жараёнлар ҳамда ишлаб чиқариш муносабатлари тўғрисида тўлиқ тасавурга эга бўладилар.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни меҳнат таълими, касб танлашга йўллаш таркибида касбга йўналтириш уларнинг замонавий ва миллий касб-ҳунарларни ўзаро уйғунлигини таъминлаган ҳолда билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларини таъминлайди. Мазкур дастур бўлажак меҳнат таълими, касб танлашга йўллаш ўқитувчиларининг меҳнат таълими, касб танлашга йўллашни ўқитиш методикаси асосида касбга йўналтириш ишларини халқ хўжалиги тармоқлари истиқболини ҳамда касб-ҳунар коллежлари соҳалаштирилганлигини ҳисобга олган ҳолда бажаришига хизмат қилади.

3. “Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш” ўқув фанини ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари. Ўқувчиларни меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги информатсион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар ҳамда ишчи ҳолатдаги машиналарнинг ишлаб чиқаришдаги намуналари ва макетларидан фойдаланилади.

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан, жумладан:

- ўқув фанига тегишли маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида такдимот ва электрон-дидактик технологиялардан, блитс-сўров, инсерт техникаси, фронтал ишчи гуруҳларда ишлаш, «Бумеранг», мусобақа, «Аралаш мантиқий занжирлар», муаммоли дарс, «бхбхб» каби педагогик технологияларидан;

- фан бўйича ўтказиладиган амалий машғулотларида оғзаки баён қилиш, фикрлар хужуми, суҳбат-мунозара, чархпалак, Б-Б-Б, ролли ўйинлар,

муаммоли дарс, кичик гуруҳларда ва жамоада ишлаш педагогик технологияларидан фойдаланиш назарда тутилган.

“Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш” курсини ўрганиш, умумий ўрта таълим мактабидаги меҳнат таълимининг (меҳнат тарбияси, касбга йўллаш ва хоказоларнинг) мақсад ва вазифаларини, шу фан бўйича ўқув жараёнини ташкилий тамойилларини ва унинг мазмунини англаб олиши, мактаб устахоналарида таълим-тарбия жараёнини муваффақиятли олиб боришда ёрдам берадиган методик воситалар тизими сифатида ўрганилиши лозим.

Педагогика фанининг тармоғи сифатида “Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш” курси олдида қуйидаги асосий тадқиқот вазифалари қўйилади, яъни меҳнат таълими вазифаларини асослаш, уларнинг тарбиявий ва таълимий аҳамиятини очиқ бериш.

Меҳнат таълими вазифаларини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қарорлар методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Меҳнат таълими ўқувчилар шахсини ҳар томонлама камол топишига, меҳнатнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлашга, ўқувчиларда онгли дунёқарашни шаклланишига, уларни халқ хўжалигида меҳнат қилишга ва асосий равишда касб танлашга тайёрлашда ёрдам беради.

“Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш” фани устахонада ўтказиладиган машғулотлар билан бошқа ўқув фанларини (ижтимоий-сиёсий, табиий ва математик) ўқитишнинг ўзаро дидактик боғлиқлигини очиқ беради, шунингдек, бошланғич, ўрта ва юқори синфлардаги меҳнат таълимининг изчиллигини таъминлаш йўллари кўрсатади.

Меҳнат таълими жараёнида ўқувчиларда меҳнатга муҳаббат, жисмоний меҳнат кишиларига ҳурмат ва шахснинг бошқа ахлоқий сифатлари шаклланишига имкон беради.

4. Буюк мутафаккирларнинг меҳнат таълими, касб танлашга йўллаш ва тарбиясига оид фикрлари. Шарқнинг буюк мутафаккирлари, алломалари деярли барча даврларда ўз асарларида, шеър ва ғазалларида, адабий меросларида ҳалол меҳнатни, касб-ҳунар эгаллашнинг муқаддаслигини ва зарурлигини таъкидлаб, улуғлаб ўтганлар. Улуғ бобоколониимиз А.Навоий ўз ғазалларида ёшларни илм-ҳунар эгаллашга чақиради:

*Илм касбини қилди то жони бор,
Хунар ўрганди онга ки имкони бор.*

Х асрда яшаб ижод этган улуғ бобоколониимиз Абунаслр Ал-Фаробий ҳам кишиларни ҳалол меҳнат қилишга ва касб-ҳунар эгаллашга чақиради. Фаробийнинг фикрича: “Инсон - ожиз банд, ҳеч нарсага қодир бўлмаган мавжудот эмас, балки у энг олий камолот бўлиб ўзининг ақл-идрок зиёсига эга, ўзи учун зарур бўлган ҳамма нарсани яратишга қодир борлиқдир”¹. Фаробий меҳнат ва касб-ҳунар қўникмаларини ахлоқий фазилатларни ҳосил қилиш лозимлигини таъкидлаб: “Агар касб-ҳунар фазилати туғма бўлганда, подшоҳлар ҳам ўзлари истаб ва ҳаракат қилиб эмас, балки подшоҳлик уларга фақат табиий равишда муяссар бўлган, табиат талаб қилган табиий бир мажбурият бўлиб қолар эди. Касб-ҳунар фазилати туғма бўлмас экан, халқлар ва шаҳар аҳлларида, одоб-ахлоқ, расм-русм, касб-ҳунар, одат ва иродани ҳосил қилиши инсондан зўр куч ва қудрат талаб қилинади. Бу икки йўл билан: яъни таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим деган сўз халқлар шаҳарлар ўртасида назарий фазилат ва амалий касб-ҳунар фазилатлари бирлаштириш деган сўздир”, - деган эди².

Касб-ҳунар эгаллашни аҳамияти тўғрисида қомусий олим Абу Али Ибн Сино(980-1037)нинг асарларида ҳам кўрамиз. Унинг фикрича болага ёшлигидан бирор касб-ҳунарни ўргатиш лозим. Бола касб-ҳунарни маълум даражада ўзлаштириб бўлгандан сўнг ўз касб-ҳунаридан ҳаётда

¹М.Хайруллаев. Фаробий. Т., 85 бет

²Хикматлар гулдастаси. Т., 1982. 53 бет

фойдаланиши, яъни ҳалол меҳнат билан мустақил ҳаёт кечиришига ўргатиш керак.

"Ёшларга илм бера бориб, уларга ҳунар ўргатмоқ муҳим маъсулиятли ишдир. Ҳунар ўрганиш бирла ёшлар ҳар қандай ноҳўя хатти-ҳаракатлардан холи бўладилар"³, - деб таъкидлайди Абу Али Ибн Сино. Унинг ҳунарли бўлишга қаратилган насихатлари ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга:

*Олтин олмагину ўргангин ҳунар
Ҳунарни олдида ҳасдир олтин зар⁴.*

Шарқ, Марказий Осиёлик мутафаккирлар ҳамда ўзбек марифатпарвар шоирлари ҳам касб-ҳунар эгаллашни аҳамияти тўғрисида ўз асарларида қимматли маслаҳатларини қолдирганлар, бу мерос ҳозирги кунда ҳам ёшларни касб-ҳунарга йўналтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Инсоният тарихий тараққиётида Шарқу - Ғарбда ҳам ёшларни касб-ҳунар эгаллашларига алоҳида эътибор билан қаралган. Уларни касб-ҳунар эгаллашларига оталик, устозлик маслаҳатларини, йўл-йўриқларини мунтазам бериб келганлар. Расман касбга оид маслаҳат идоралари асримиз бошларида пайдо бўла бошлаган.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. “Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш” фанининг қандай мақсад ва вазифалари бор?
2. “Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр қандай билим, кўникма ва малакаларни эгаллайди?
3. “Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш” ўқув фанини ўқитиш жараёнида таълимнинг қандай замонавий методларидан фойдаланилади?
4. Мазкур ўқув фанини ўқитиш жараёнида қандай педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш мумкин?

³Абу Али Ибн Сино Таълим ва тарбия пакида Т. 1967. 9-бет.

⁴Ўша ерда 9 бетда

5. Буюк мутафаккирларнинг меҳнат таълими, касб танлашга йўллаш ва тарбиясига оид қандай фикрларни билдиришган?

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

2. Ишмухамедов Р, Абдукодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъдод”, 2008. – 180 б.

3. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б

4. Нишоналиев У.Н., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С.. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007.

2-Мавзу Меҳнат таълими жараёнининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

Режа:

1. Касб танлашга йўллашнинг тарихий тараққиёти.
2. Меҳнат таълими жараёнида касб танлашга йўллаш.

Таянч иборалар: касб-хунар, хунарсизлик, касбга йўналтириш, касб турлари, интеллектуал қобилият, маслаҳат бюроси, бозор иқтисодиёти шароитида касблар, касбий консултатсия.

1. Касбга йўналтиришнинг тарихий тараққиёти. Меҳнат ва касбий тайёргарлик тизими бевосита ёшларнинг меҳнат ва касб тарбиясини касбий ахборотлар, касб танлаш, касбга йўналтириш ишларини амалга оширадиган улкан ишлардан бири бўлиб, ўз ўтмиш тараққиётига эгадир. Халқимизнинг миллат, элат бўлиб шаклланишини меҳнатсиз, касбларсиз, хунарсиз тасаввур этиб бўлмайди. Одамзод пайдо бўлишидан бошлаб меҳнат билан шуғулланган. Дастлаб фақат кун кечирish учун қилинган меҳнат кейинчалик, каттарoқ мақсадни, моддий манфаат кўриш учун амалга оширилиб ҳатто, X асрларда йирик ҳарбий кўшинларни, миллионлаб халқларни буюмлар, анжомлар билан таъминлай оладиган ишлаб чиқариш соҳалари даражасигача тараққий этган.

XII - XV асрларда Мовароуннахр ва Хуросонда хунар илми, кўлами ривожланиши энг юқори поғонага кўтарилган. Ҳар бир халқ ота-бобосидан мерос бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўзининг тарихий-маданий бирлиги билан ажралиб, ўзига хос-хусусиятларни сақлаб келган. Ўзбеклар ҳам шулар жумласидандир. Республикамиз ҳудудида ўтказилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, хунарсизлик бу ерларда икки минг йиллар олдин ривожланган. Бу даврда синфий жамият пайдо бўлиб, йирик меҳнат тақсимоти негизида хунарсизлик мустақил соҳа бўлиб ажралиб чиққан.

IX - XII асрларда хунарсизлик кенг ривожланиб, халқимизнинг хорижий давлатлар билан иқтисодий-маданий алоқалари авж олган. Айрим манбаларда қайд этилишича, 32 хил хунар тури мавжуд бўлган аҳоли

яшайдиган жойни шаҳар деб аташган. 1897 йили биринчи аҳоли рўйхати вақтида катта шаҳарларда аҳолининг кўпчилик қисми ҳунармандлар ҳисобланган. Масалан, Наманган аҳолисининг 64 фоизи, Қўқоннинг 52 фоизи, Чустнинг 54 фоизи, Марғилоннинг 50 фоизи, мустақил касб-ҳунар эгаси ҳисобланган⁵.

Ҳунармандчиликнинг қадимий даврларда энг кўп тарқалган тури темирчилик, заргарлик, мисгарлик ва тунукасозлик бўлган. Ҳозиргача кенг тарқалган қадимий касблардан бири ёғоч буюмлари яшаш ҳунармандчилигидир. XX аср бошларида тикув машиналарини пайдо бўлиши билан янги ҳунармандчилик касби - тикувчилик юзага келади. Ўзбекларнинг энг кенг тарқалган уй касбларидан бири дўппидўзликдир.

Булардан ташқари, ҳунармандлар теридан ҳар хил буюмлар ясаганлар, пояфзалчилар ўз маҳсулотларини шаҳар ва қишлоқларда юриб аҳолига сотганлар. Нонвойлик, қандолатчилик ва қассоблик ҳам касблардан бўлиб уларнинг дўконлари ҳар қадамда учраган. Катта тўй-маъракалар ўтказиш одати махсус ошпазлик касбини юзага келтирган.

Тарихий маълумотларга асосланиб айтишимиз мумкинки, касбга йўналтириш ишлари қадимдан шаклланиб келган. Касбга йўналтириш ишлари ҳам инсоният жамият тараққиётининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ва у ҳам жамият каби ўз ривожланиш тарихига эга. Табиийки, касбга йўналтириш касблар пайдо бўлишидан ва демак унга эҳтиёж юзага келишидан илгари пайдо бўлиши мумкин эмас эди.

Инсоннинг билим, кўникма ва қобилиятларини ташхис қилиш билан боғлиқ касбга яроқлилик даражасини баҳолаш элементларининг пайдо бўлиш тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Эрамизгача бўлган ИИИ минг йилликдаёқ қадимги Вавилонда мирзалар тайёрловчи мактабда битирувчилар синовдан ўтказиб борилган. Ўша даврлар билим даражасидан келиб чиқилганда касбий тайёргарлик кўрган мирза Месопатамия сивилизатсиясида марказий ўринда шахс турган: у майдонларни ўлчашни, мулкни бўлишни,

⁵ И. Жабборов. Ўзбек халқи этнографияси. Т., 1995.

музыка асбобларида ижро услубини ва ашула айтишни билган. Синов даврида унинг газламаларни, металлларни, ўсимликларни турларини билиши, шунингдек, барча тўрт арифметик амалларни бажара олиш кўникмалари текшириб кўрилган. Қадимий Мисрда касбни эгаллашга даъвогарлар суҳбатдан ўтказилиб, унинг таржимаи ҳоли, билим савияси, ташқи кўриниши ҳамда суҳбатни олиб бориш қобилиятлари аниқланган. Сўнгра меҳнат қилиш, эшитиш, сукут сақлаш қобилиятлари олов, сув ва ўлим билан кўрқитиш воситасида синаб кўрилган.

Айтилишича, синаб кўриш ва танловдан ўтказишнинг бундай жиддий тизимини ўтмишнинг буюк алломаси Пифагор ўз бошидан ўтказган. Ўқишдан сўнг Гретсияга қайтгач, у ўзи босиб ўтган синовлар тизими асосида ўқувчилар танлаб олинувчи мактаб очган. Пифагор интеллектуал қобилиятларга асосий эътиборни қаратган ва бадиий қилиб айтганда: "Ҳар қандай ёғочдан ҳам меркурийни йўниб бўлмайди"- деб ҳисобланган. Шунингдек, у ёш инсонларнинг ўзини тутишига ҳам алоҳида эътиборни қаратган ва уни инсон характерида намоён бўлувчи асосий кўрсаткичлар деб санаган. Пифагор ўқитувчилар ва ота-оналар тавсияларига эътибор билан қараган, ҳар бир янги ўқувчини синчиклаб кузатиб борган. Шундан сўнг уни ўз фикрини эркин ифодалашга ва суҳбатдошлар билан баҳслашишга ўргатган. Эрамизгача бўлган минг йилликда Хитойда ҳукумат амалдори касби ва мансаби кенг тарқалган. Мос равишда ушбу касбни танлашдаги дастлабки элементлар ҳам шу ернинг ўзида юзага келган. Бундай касбни эгаллашга жазм этган ёшлар тантанаворлик руҳи билан суғорилган муҳитда давлат имтиҳонларини топширишган. Имтиҳон саволларини кўпчилик ҳолатларда император ўзи белгилаган, шунингдек, синовдан ҳам ўзи ўтказган ва даъвогарларни саралаш кўп босқичли усулда амалга оширилган.

2. Меҳнат таълими жараёнида касб танлашга йўллаш. Касб танлашга йўллаш бутун педагоглар жамоаси томонидан ҳал этиладиган умуммактаб вазифаси ҳисобланади. Шу билан бирга, бу ишда меҳнат таълими алоҳида ўринни эгаллайди. Бунга сабаб шуки, меҳнат таълимининг мазмунига қатор

касблар билан узвий ва тизимли равишда таништириш ва бу таништириш нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий жиҳатдан ҳам олиб борилади. Маълумки, касблар тўғрисида тасаввур ана шундай тарзда берилгандагина у ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин бўлади.

Касб танлашга йўллаш иши бутун меҳнат таълими давомида олиб борилади, лекин унинг вазифалари ўзининг турли босқичларида ўзгариб туради.

5-7-синфларда асосан касб ҳақида маълумот берилади. Ўқувчилар қандай касблар борлиги, унинг типлари билан танишадилар. Бу касбларнинг элементлари ўқувчиларнинг устахонадаги фаолияти мазмунини ташкил этади. Бу ҳол ўқитишнинг шу даврида ўқувчиларни умуммеҳнат тайёргарлик вазифасига тўла мос келади.

6- синфда ва айниқса, 7-синфда касб тўғрисида маълумот бериш билан бир қаторда меҳнатда тарбиялаш ишлари ҳам олиб борилади. Бунга сабаб шуки, 7-синфни битириш арафасида ўқувчилар бўлғуси меҳнат тайёргарлигининг соҳаси(йўналиши)ни танлаб олишлари зарур. Ҳар бир соҳа бўйича кўплаб оммавий кичик мутахассислар касбларини ўз ичига олади. Булар устахонадаги машғулотларнинг мазмуни билан изчил алоқада бўлган касблар бўлиши (масалан, металлга ва ёғочга ишлов бериш технологиясига оид касблар) ёки улар билан ҳеч қандай алоқадор бўлмаган касблар (чунончи, сувоқчилик, буёқчилик ва шу каби қурилиш касблари) бўлиши мумкин.

Меҳнат тайёргарлигининг соҳани танлашда кўпинча мунозарали вазиятлар вужудга келиб, бу мунозарада ўқувчиларининг ота-оналари ҳам иштирок этишлари мумкин. Меҳнат тайёргарлигининг айрим соҳалари гўё эътиборсиздек туюлиб, ҳеч ким бу касбни танлашни хоҳламайди. Бошқа соҳаларга эса, аксинча, керагидан кўпроқ ўқувчилар қизиқиб қолишади.

Амалда учрайдиган барча касблар билан ўқувчиларни таништириб чиқишнинг имкони йўқ, албатта. Лекин кўпгина касблар инсон олдига қатор умумий талабларни қўяди. Ўсмирларни ана шу талаблар билан таништириб улар ҳақидаги тасаввурини кенгайтириш мумкин. Масалан, кейинги вақтда

жисмоний меҳнатнинг маънавий савияси ортаётганлиги кузатилмоқда. Ақлий меҳнат фаолиятига қўйиладиган талаблар тобора ортиб бормоқда. Меҳнат жамоасида ўзини тутишига нисбатан ҳам юқори талаблар қўйилмоқда. Шунини ҳисобга олиб, касб танлашга йўллаш ишини шундай ташкил қилиш мумкинки, ўқувчилар фақат муайян касблар тўғрисида тасаввур олибгина қолмасдан, меҳнат фаолиятига нисбатан қўйиладиган умумий талаб тўғрисида ҳам тасаввурга эга бўлаётганликларини англайдиган бўлиши мумкин.

Касб танлаш жуда муҳим масала бўлиб, кўпинча ўқувчилар уни мустақил ҳал қила олмайдилар. Бу масалада уларга мактаб ёрдам бериши керак. Кўпинча синф раҳбари ҳар бир ўқувчига карточка тутиб, ўқувчининг у ёки бу ўқув фанга муносабати, касбга бўлган қизиқиши, ўқишдаги муваффақиятлари, шахсий фазилатлари ҳақида ўқитувчилар айтган маълумотларни шу карточкага ёзиб боради. Бу эса ўқувчининг нималарга қизиқишини аниқлашга имкон беради. Агар ўқувчининг қизиқишлари барқарор бўлса, синф раҳбари ўқувчида у танламоқчи бўлган касб учун зарур аломатлар бор-йўқлигини аниқлашга киришади. Ўқувчининг соғлиғи у танлаган касб талабларига тўғри келмайдиган ҳоллар ҳам учрайди. Бу масалани врач ҳал қилади. Шундан сўнг ўқитувчилар ўқувчининг ота-онаси билан суҳбатлашиб, болани бошқа касбга қизиқтиришга ҳаракат қиладилар. Лекин бу ишни хушмуомалалик, эҳтиёткорлик билан бажариш лозим, акс ҳолда ўсмирнинг кўнгли чўкиши, ўзини тўлақонли одам эмасдек ҳис этиши мумкин.

Ўқувчилар ўзларига касб танлаётганларида ўқитувчилар ўз таъсирини ўтказишга ҳаддан ташқари интизмасликлари керак. Бу ўрнида жуда эҳтиёт бўлиш ва ўқувчилар ушбу касбга чиндан ҳам қизиқадиларми ёки бу қизиқиш тасодифий қизиқишми, аниқлаб олиш лозим.

Касб танлашга йўллаш ишини олиб боришда мактабнинг ҳақиқий иш шароитларини ҳисобга олиш даркор. Мамлакатимиз турли туманларининг ишлаб чиқариш базаси бир хилда эмас. Масалан, агар гап яъни дам олиш масканига яқин жойлашган шаҳар ҳақида борадиган бўлса, ўқувчиларнинг

кўпчилик қисми келгусида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаш кераклигини эътиборга олишга тўғри келади. Туман иқтисодиёти меҳнат билан таъминлаш имкониятларини кўп жихатдан белгилаб беради. Бирок инсоннинг индивидуал хусусиятлари ҳам, одатда, қатор касб талабларига жавоб беради, ўқувчиларнинг қизиқишларини эса шакллантириш мумкин. Шундай қилиб, касб танлашга йўллаш ишини давлатнинг у ёки бу касбга бўлган эҳтиёжларини ва ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳамда иштиёқларини эътиборга олган ҳолда олиб бориш мумкин.

Касб танлашга йўллаш ишида 8-9-синфлар алоҳида ўринни эгаллайди. Бунда бир томондан касб танлашга йўллаш иши бевосита меҳнат дарсларида давом этиб, ўқувчилар ўзлари танлаган меҳнат тайёргарлиги соҳаси таркибига кирувчи касблар тўғрисида тасаввур олишади, яъни касбга интилиш гўё “торайиб боради”. Бошқа томондан эса “Ишлаб чиқариш асослари”, “Касб танлаш” махсус фанларини ўрганиш жараёнида ўқувчиларни халқ хўжалигининг асосий касблари ва ихтисосликлари билан таништириш юзасидан тизимга солинган касб танлашга йўллаш иши бошланади. Мазкур фанда меҳнат дарсларида, фан асослари ўрганиладиган дарсларда ўқувчилар касблар тўғрисида олган билимлар умумлаштирилади.

Шундай қилиб, 8-9- синфларда маълум даражада қарама-қарши вазифа кўйилади. Ўқувчи кенгайтирилган меҳнат таълимини ўтиб қатор ўхшаш касблар элементларини (масалан, металлга ишлов бериш учун слесарлик, токарлик, фрезерлик иши) ўзлаштириб олади. Бунинг натижасида у бошланғич касб тайёргарлигини олади ва уни касб-ҳунар коллежларида давом эттириши зарурдек туюлади. Айни пайтда ўқувчи олдида касблар дунёси биринчи маротаба тизимга солинган ҳолда тўлиқ очиб берилади, гўё улардан ҳоҳлаганингни танлаб ол, дейилгандек бўлади. Касб танлаш эркинлиги ана шу кўринишдаги зиддиятда намоён бўлади. 9-синфда ўқувчи ўзи аввал танлаган касбдан айниб, меҳнат таълимининг бутунлай бошқа йўналишини ихтиёрий қилиб олиши ҳам мумкин. Демак, ўқувчи фақат 9-синфда бирор касбни танлаш ҳақида узил-кесил қарорга келиши мумкин.

Лекин бу билан касб танлашга йўллаш иши тугайди ёки бўшаштириб юборилади, дейиш хато бўлади. Аксинча, бу иш энди янада таъсирчан бўлиши лозим, аммо унинг мақсади ўзгаради, энди биринчи режани танлаган касбга муҳаббат уйғотиш эгаллайди. Касб танлашга йўллаш ишининг бутун мазмуни, формалари ва методлари ана шу мақсадга қаратилади.

Юқорида айтилганлардан, меҳнат таълими жараёнида касб танлашга йўллаш иши бир неча босқичдан ўтиб, бу босқичларнинг ҳар бирида ўз вазифалари ҳал этилади, деган хулосани чиқариш мумкин. Бунда касб танлашга йўллаш иши, бошқа ҳар қандай ўқув-тарбия иши каби, икки ёқламали жараёндан иборат бўлиб, бу жараёнда ўқитувчига ҳам, ўқувчига ҳам тенг даражада аҳамият ажратилади. Шунинг учун касб танлаш ишига нисбатан қўйиладиган энг муҳим талаб — ўқувчиларнинг юқори даражада фаол бўлиши лозимдирки, бу фаоллик касбий тарбия, касб танлаш негизларини шакллантириш ҳисобига таъминланади. Меҳнат ўқитувчилари касбий ташхис ҳамда касбий консултатсияга тайёргарлик кўрган бўлсалар ва бу ишни ўз вақтида ўтказсалар, ўқувчиларнинг фаоллиги ортади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Касбга йўналтириш ишлари қайси даврлардан бошланган?
2. IX - XII асрларда ҳунармандчиликнинг энг кўп тарқалган турига қайси ҳунарларни киритиш мумкин?
3. XX асрларда касб танлашга йўналтириш ишлари қандай ривожланиб борган?
4. Меҳнат таълими жараёнида касб танлашга йўллаш ишлари қандай амалга оширилади?
5. 8-9 синфларда касб танлашга йўллаш ишлари қандай амалга оширилади?
6. Ўқувчилар ўзларига касб танлаётганларида уларга қандай ва ким томонидан методик ёрдам кўрсатиш керак?

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
2. Ишмухамедов Р, Абдуқодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъдод”, 2008. – 180 б.
3. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б
4. Нишоналиев У.Н., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С.. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007.

3-Мавзу Меҳнат таълими ўқитувчисининг модели. Меҳнат таълими ўқитувчисини тайёрлашда янгича ёндашувлар. Меҳнат таълим ўқитувчисининг касбий фаолият функциялари

Режа:

1. Меҳнат таълим ўқитувчисининг касбий фаолият функциялари.
2. Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолиятини моделлаштириш.

Таянч тушунчалар: меҳнат таълим, касбий фаолият, функциялар, коммуникатив компонент, гностик компоненти, лойиҳалаштириш фаолияти, касбий таълим, методик фаолият, ташкилотчилик фаолияти, мутахассис модели, малакавий тавсифнома.

1.1. Меҳнат таълим ўқитувчисининг касбий фаолият функциялари.

Ўқитувчи фаолиятининг гностик компоненти замонавий ахборот технологиялари имкониятларини ва таълим берувчи ҳамда таълим олувчининг ахборот технологияларидан фойдаланишда фаолият турлари: ахборот-ўқув фаолияти, тажриба-тадқиқотчилик фаолияти, ахборотни қайта ишлаш, тақдим қилиш ва олишга оид фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат. Тадқиқотчилик функциясини бажариш ахборот технологияларивоситаларидан фойдаланган ҳолда таълим олувчилардан, ўқув-тарбия жараёни ҳақида ва таълим олувчилар жавоблари таҳлили, уларнинг билим, кўникма ва малакалари даражаси, бошқа турдаги ахборотларни олиш, ўқув фаолияти натижаларини коррекциялаш, компьютер педагогик тест ва психодиагностика ўтказиш, ахборот технологияларидан коммуникация воситаси сифатида илғор педагогик технологияларни оммалаштириш мақсадида фойдаланиш малакалари талаб этилади, бунда АТ ўқитувчисининг тадқиқотчилик вазифасини бажариши учун восита бўлиб хизмат қиладики, бундай фаолиятни амалга ошириш учун билим, кўникма ва малакалар мажмуи зарур.

Конструктив компонент машғулотлар, синфдан ташқари тадбирларни муайян шароитларда тайёрлаш ва режалаштириш: маълум дастур, дастурий таъминот, ўқув-методик адабиёт, таълим олувчиларнинг ривожланганлик даражаси, таълим муассасасининг педагогик йўналганлиги, минтақанинг ижтимоий буюртмаси, ота-оналар манфаатлари ва ҳ.к. доирасида ишлаш билан боғлиқ фаолиятни камраб олади. Машғулотларга материални саралаш ва тайёрлаш учун турли: ихлаш-маълумотнома тизимлари, маълумотлар базалари, инструментал дастурий воситалар, телекоммуникация воситалари каби АТ воситаларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги кунда компьютер педагогик дастурий воситалардан фойдаланиб ўқитишда восита сифатида тобора фаол қўлланмоқда. Қолаверса, ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини автоматлаштириш воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу билан ахборот-методик материалларнинг ўқув жараёнини ташкил қилувчилар (ўқитувчилар,

тарбиячилар, методистлар, илмий мужиолар, директорлар) учун очиклиги ва фойдаланувчиларнинг ҳар тоифаси ахборот билан ўзи учун қулай шаклда тезкор таъминланади. Бундан ташқари, АКТ воситалари зарур ахборотни юритиш, сақлаш, тўплаш, таҳлил қилиш, содда элементлардан таркиб топган мураккаб матнларни (методик тавсиялар, муаллифлик дарслари конспектоари, дастурлар, ролли ва иш ўйинлари, синфдан ташқари тадбирлар ва ш.к.) конструкциялашни таъминлайди. Бу босма материаллар тайёрлаш учун зарур ахборотнинг қатъий нусхасини олиш имконини беради.

Ўқитувчининг лойиҳалаштириш фаолияти керакли маълумотларни компьютерда узоқ муддат тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш натижасида ўқувчилар ва ўқув жараёни параметрларидаги ўзгаришлар тенденциялари тўғрисида ретроспектив ахборот мавжуд бўлганда тобора сермахсул бўлади. Бу ҳолда ўқитувчи ҳар бир таълим олувчининг кейинги ривожланиши ва таълимнинг якуний натижасини ишончли пронозлай (башорат қила) олади.

Ўқитувчи фаолиятининг лойиҳалаштириш фаолияти педагогик дастурий воситалар сценарийларини ишлаб чиқиш ва уларни ё маълум дастурлаш тилидан фойдаланиш асосида, ё турли типдаги инструментал дастурий воситалар ёрдамида амалий реализациясини кўзда тутади.

Коммуникатив компонент ўқитувчи ва таълим олувчиларга биргаликда ахборот олиш, умумий муаммоларни ҳал қилишга ҳамкорлик қилиш, ўз ғоя ва шарҳларини эълон қилиш, масалаларни ҳал қилиш ва уларни муҳокама қилиш имконини берадиган телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш шароитида фаолиятни кўзда тутади.

Ўз фаолиятининг коммуникатив компонентини такомиллаштириш учун ўқитувчи турли психодиагностик компьютер дастурларидан, шунингдек, иш мулоқоти даражасини ташхислаш учун эксперт баҳолаш дастурларидан фойдаланиши мумкин.

Ўқитувчи фаолиятининг ташкилотчилик компоненти ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш билан боғлиқ ҳаракатларни ўз ичига олади. Ахборотлаштириш воситаларидан фойдаланиб иш олиб бориш маъносила ўқитувчида техникани ишга тайёрлаш, уни педагогик жараённинг турли босқичларида мохирона қўллаш, таълим олувчиларнинг мустақил, гуруҳда ва яқка тартибдаги ишларини компьютер техникаси, шунингдек, ўқув-тарбия жараёнини бошқаришни дастурий воситалар ёрдамида ташкил қилиш малакаларини эгаллаган бўлиши керак.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг таълим жараёнида ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ касбий фаолияти турли компонентлари мазмунининг ўзига хосликлари унинг касбий фаолиятининг ҳар бир таркибий қисми ўқитувчидан маълум назарий билим ва амалий кўникмаларни талаб қилади. Е.Ю.Диканский моделига мувофиқ, фаолиятнинг конструктив таркибий қисми компьютер таълимининг дидактик асослари ва АКТ нинг ўқув-тарбия жараёнини ахборот-методик таъминлаш ҳамда бошқариш воситаси сифатидаги имкониятларига оид билимлар; таълим жараёнининг турли босқичларида ИКТ ни педагогик жиҳатдан саводли қўллаш; таълим олувчилар билан мулоқотнинг турли вазиятлар учун

оптимал услубини танлаш; АКТ дан ўқув вазиятини моделлаштириш учун фойдаланиш; объектга йўналтирилган дастурий воситаларни ёки тизимларни ўқув фаолияти маданиятини шакллантириш учун қўллаш малакаларини кўзда тутати.

Фаолиятнинг гностик компоненти учун компьютер таълимнинг назарий асосларини билиш; таълим натижаларини баҳолаш фаолиятини ташкил қилишга замонавий ёндашувларни билиш; таълим жараёнида АКТ дан фойдаланиш билан боғлиқ илғор педагогик тажрибадан хабардор бўлиш; АКТ дан шахсни ривожлантириш воситаси сифатида фойдаланиш малкаси; АКТ дан атрофдаги воқеликни билиш воситаси сифатида фойдаланиш малакаси; АКТ воситалари имкониятларидан таълим жараёни натижаларини қайта ишлаш ва визуаллаштириш учун фойдаланиш малкасини талаб қилади.

Лойиҳалаштириш фаолияти таълим жараёнини қўллаб-қувватлаш учун компьютер дастурларини лойиҳалаштиришнинг психологик-педагогик жиҳатларини билиш; дарснинг электрон қисми сценарийсини ишлаб чиқиш ва уни турли типдаги инструментал воситалар ёрдамида амалга ошириш малакасини кўзда тутати.

Коммуникатив фаолият ўқув-методик ахборот олиш ва ватанимиз ҳамда хориж педагогик тажрибасини таҳлил қилиш мақсадида телекоммуникацияларнинг имкониятларини билиш; телекоммуникацион тармоқларнинг масофавий таълимни амалга ошириш имкониятларини билиш; касбий йўналишга оид сайтларда ўқув мақсадидаги дастурлар аннотацияланган каталоглари маълумотлар базаси орқали дастурий-методик воситаларни излаш; Internet конференция ва масофавий олимпиадаларда иштирок қилиш малакаларини кўзда тутати.

Ташкилотчилик фаолияти ўқитишнинг дастурий-методик ва техник воситалари таркиби ва характеристикаларини билиш; АКТ ёрдамида таълим жараёнини ташкил қилишга қўйиладиган санитар-гигиеник ва эргономик талабларни билиш; умумий вазифали дастурий ва техник воситаларни эгаллаганлик; АКТ ёрдамида ўқув-тарбия жараёнини назорат қилиш ва бошқаришни ташкил қилиш малакалари; АКТ ни интеллектуал ҳордиқни ташкил қилиш воситаси сифатида қўллаш малакаларини ўз ичига олади.

Меҳнат таълими ўқитувчисига нисбатан олганда бу функциялар сақланиб қолади, устига устак муҳандислик, техник-технологик ва ижтимоий функциялар қўшилади. Меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий фаолият объектлари сифатида яхлит педагогик жараён қатнашчилари ва воситалари майдонга чиқади

касбий таълим - умумкасбий ва махсус фанлардан назарий таълимни, шунингдек, информатика, ҳисоблаш техникаси ва компьютер технологиялари соҳасидаги турдош касблар гуруҳи бўйича ишлаб чиқариш (амалий), амалий таълимни ишлаб чиқариш меҳнати билан биргаликда илғор ахборот технологияларини қўллаш, уларни таълим жараёнига татбиқ қилиш билан ташкил қилади ва олиб боради;

методик фаолият- таълим, ўқитишнинг хусусий методикалари ва инновацион фаолият мазмунининг педагогик лойиҳаларини яратади, ўқув-методик хужжатларни (асосий касбий таълим дастурлари, ўқув режа ва ўқув фанлари дастурлари, қўлланма ва тавсиялар) ишлаб чиқади;

ташкilotчилик фаолияти- касбий таълим ва кадрлар малакасини ошириш шакллари ва методларини такомиллаштиради, касбий тмуассасалари ва ташкilotларда ташкилий-бошқарув ишларида, таълим муассасалари моддий базасини жиҳозлар ва ривожлантиришда қатнашади;

ўқув-тарбия иши- ёшларни касбга йўналтиради, замонавий ишчининг касбий муҳим ва аҳамиятли сифатларини тарбиялайди ва ривожлантиради;

илмий иш - информатика, ХТ ва КТ соҳасига муаммолар бўйича тажриба-синов ва илмий-тадқиқот ишларини ташкilot қилади ва иштирок этади.

Асосийсини ажрата билиш, зарур ахборотни саралаш ва уни ижодий қайта ишлаш.

Ананавийларидан қарқли ўқитиш ва тарбия усул ҳам методларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш малакаси.

Ўқув материали ва мослаштирилмаган материални таълим олувчилар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ва муайян дидактик мақсадга мувофиқ ўзгартириш малакаси.

Машғулотнинг ташкилий-педагогик ва мантиқий-психологик структурасини ижодий ва асосли кура билиш малакаси.

Алоҳида таълим олувчилар ва жамоа учун топшириқларни педагогик мақсадга мувофиқ белгилаш, улар мантиқини илгари сурилган мақсадга мувофиқ ўзгартириш (алмаштириш).

Таълим олувчилар ҳаракатлари ва уларнинг фаолиятига педагогик раҳбарлик структурасини режалаштира билиш.

Тинглаш ва суҳбат куриш малакаси.

Материални эмоционал, тушунарли ва мантиқий изчилликда баён қилиш малакаси.

Нутқ маданияти, эрудиция.

Коммуникативлик, мулоқот ва раҳбарликнинг демократик услуби.

Алоҳида таълим олувчилар, кичик гуруҳлар ва таълим олувчилар жамоалари билан, шунингдек, ота-оналар ва ўқитувчилар билан педагогик мақсадга мувофиқ ўзаро муносабатлар ўрната олиш малакаси.

2. Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолиятини моделлаштириш

Ўқитувчи фаолиятини яхлит тизим сифатида ўрганиш муҳим илмий-амалий муаммолардан бири ҳисобланади.

Уни ҳал этишда, моделлаштириш муҳим ўрин тутди. «Моделлаштириш тадқиқотчилик фаолиятининг яхлит туркумини акс эттиришга хизмат қилади. Тадқиқотчи туркум моҳиятини синчиклаб ўрганиб чиқади. Зеро, у якуний модел сифатида назарияни хулоса ва ғоялар билан бойитади. Демак,

моделлаштириш танланган объект туркум кўринишида тасаввур этишга имкон беради».

«Мутахассис модели» тушунчасига нисбатан турли қарашлар мавжуд. Кўпчилик муаллифлар мутахассис модели дейилганда, муайян соҳа мутахассисининг умумлаштирилган образи сифатида ўрганилаётган объектнинг асосий хусусиятларини акс эттирувчи тасвирий ўхшатишни тушуниш кераклигига урғу берадилар.

Моделнинг муайян вақтнинг ўзида тасвирий шаклни аниқлаш ҳамда уни куриш «технологияси»дан иборат эканлигини қайд этувчи қарашлар ҳам мавжуд.

Учинчи гуруҳ вакиллари эса «мутахассис модели» тушунчаси моҳиятида билим, кўникма ва малакалардан ташқари шахснинг шахсий сифатлари, маданияти ва бошқа хусусиятлари ҳам намоён бўлиши зарурлигини ёқлайдилар.

Н.Ф.Тализина томонидан, мутахассисни касбий тайёрлаш жараёнини моделлаштиришга нисбатан умумметодологик ёндашув ишлаб чиқилган. Моделда кутилаётган натижа ва унга эришиш йўлларининг узвий бирлиги акс этиши зарурлигини алоҳида таъкидлаб, муаллиф қуйидагиларни баён этади: «Мутахассис модели муаммоси ўқув режалари каби ўқув дастурларининг ҳам мазмунини аниқлашда муҳим ҳисобланади».

Касбий тайёргарликнинг сифати қуйидаги учта асосий вазиятнинг асосланганлик даражасига боғлиқдир: ўқитиш мақсадлари (нима учун ўқитилади?), ўқитиш мазмуни (нима ўқитилади?) ва ўқув жараёнини ташкил этиш тамойилари (қандай ўқитилади?) даражасига боғлиқ бўлади.

Бўлажак мутахассисларни тайёрлаш жараёни мураккаб хусусиятга эга бўлиб, бу жараёнда мақсаднинг аниқ белгиланиши, мутахассис моделининг таркибий асосларини аниқлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Мутахассис модели қуйидаги учта таркибий асосдан ташкил топади:

1. Янги ижтимоий босқичга хос бўлган хусусиятлар асосида юзага келган фаолият турлари.

2. Касбий талаблари аниқ кўрсатиладиган фаолият турлари.

3. Давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузилмаси ҳамда унинг маънавий-ахлоқий тизими моҳиятига кўра ташкил этилувчи фаолият турлари.

Юқорида келтирилган фаолият асослари маълум мутахассис учунгина эмас, балки барча мутахассисликлар вакиллари учун ҳам зарур бўлган маҳорат (шунингдек, маълум билимлар)ни ўз ичига олади. Масалан, ўқиш маҳорати, жамоани бошқара олиш, ижтимоий фаолиятни ташкил этишга тайёрлик. Кейинги икки фаолият тури маълум касб учун қўйилувчи аниқ талаблар даражасини белгилайди.

Аммо, олий маълумотли мутахассислар томонидан ташкил этилувчи фаолият турларига кўра барча талабларни қуйидаги учта гуруҳга бирлаштириш мумкин: 1) тадқиқотчилик фаолиятини олиб боришга имкон берувчи маҳорат; 2) умуммуҳандислик ва ихтисослик фанлари бўйича назарий ва амалий масалаларни ҳал этишда зарур бўладиган маҳорат; 3)

талабаларни педагогик ва методик фаолиятга тайёрлашни таъминловчи маҳорат.

Меҳнат таълими ўқитувчиси аввало таълим мазмунини лойиҳалаштириш билан боғлиқ қуйидаги маҳоратлар тизимини эгаллаб олиши керак: ўқитиш мақсадларини (таълимий, тарбиявий ва ривожлантириш) конструктив тасвирлаш; ўқувчиларда маълум касб фаолияти бўйича билим, кўникмаларнинг шаклланиш даражасини ақс эттирувчи кўрсаткичларни аниқлаш; ушбу кўрсаткичларнинг ақс этишига имкон берувчи чизмалар, схемалар, лойиҳалар, техник-технологик ҳамда ташкилий-иқтисодий машқлар ва таълим методлари, шаклини тўғри танлаш; уларнинг кетма-кетлигини аниқлаш; ўқувчилар томонидан назарий ва амалий билим ва кўникмаларнинг шакллантирилиши ва ҳоказолар борасидаги зарур маълумотларга эга бўлишни таъминловчи кўрсаткичларни аниқлаш.

Касбий шаклланиш жараёнида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг индивидуал хусусиятларини ўрганиш, ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш ҳамда унинг натижаларини баҳолаш муҳимдир. Ўқув фаолиятининг зарур тарбиявий натижасини аниқлашга хизмат қилувчи маҳоратлар алоҳида тизимни ташкил этади. Маънавий дунёқараш ва унинг моҳияти ҳамда умумий маданиятлилик даражасига қўйилувчи талабларни ўз ичига олади.

Тузилиши нуқтаи назаридан мутахассис модели уни ўзгартириш ва тузатиш имконини берувчи, фаолият самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ва осон ташхис (диагностика) қилинадиган таркибий қисмларни ўз ичига олиши зарур. Икки қисмли тузилмага эга бўлган мутахассис модели энг кўп тарқалган модел ҳисобланади.

Мутахассис модели - бу ишлаб чиқариш соҳасида юзага келадиган муаммоли вазиятларни муваффақиятли ҳал этилишини таъминловчи, маълум сифатларни таърифловчи ҳамда касб эгасининг мустақил билим олиши ва ўзини ривожлантиришини ақс эттирувчи андоза ҳисобланади.

Ушбу моделни яратишда касбий фаолиятнинг маълум тури учун мувофиқ келадиган шахсий сифатлар тўплами тартибга солинади. Мутахассис моделининг турларидан бири малакавий тавсифнома ҳисобланади. Унинг мазмунида қуйидаги ҳолатлар ақс этади: турли лавозим ва турли иш жойлари учун хос бўлган касбий фаолият турлари, вазифа ва мажбуриятлар, шахсий сифатлар, билим ва кўникмалар. Бундай моделлар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларни аттестациядан ўтказиш, шунингдек, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини тузишда муҳим аҳамият касб этади.

Малакавий тавсифнома меъёрий модел деб ҳам аталади. Бу мутахассис фаолияти ва шахсига қўйиладиган умумий талабларни ақс эттирувчи махсус паспортдир.

Малакавий тавсифнома борасидаги яхлит ва амалий аҳамиятга эга маълумотлар Е.М.Борисова томонидан аниқланган. Муаллиф фикрича, малакавий тавсифноманинг тузилмаси қуйидагилардан иборат:

1. Шахсий хусусиятлар.

2. Фаолиятнинг асосий соҳа ва турлари.
3. Улар фаолият олиб борувчи ташкилотларнинг турлари.
4. Улар эгаллаши мумкин бўлган лавозимлар.
5. Шахсий сифатларга нисбатан қўйилувчи талаблар.
6. Касбий маҳорат қўйилувчи талаблар.
7. Лавозим бўйича амалга оширилувчи вазифаларнинг тартиби.
8. Касбий билим даражасига қўйиладиган талаблар.

Юқорида келтирилган тузилмага биноан меҳнат таълими ўқитувчисининг малакавий тавсифномасида қўйидагилар ўз ифодасини топади:

I. Фаолиятнинг асосий соҳаси ва турлари:

- а) фаолият соҳаси:
 - 1) таълим;
 - 2) бошқарув ва бошқалар.
- б) фаолият турлари:
 - 1) ўқув;
 - 2) методик;
 - 3) тарбиявий;
 - 4) ташкилий;
 - 5) илмий (раҳбарлик);
 - 6) кадрлар билан ишлаш;
 - 7) тадбиркорлик;
 - 8) экспертлик ва бошқалар.

Улар фаолият олиб борувчи ташкилотлар:

- 1) таълим;
- 2) умумий ўрта таълим муассасалари;
- 3) ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (академик лицейлар, касб-хунар коллежлар, ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари);
- 4) олий таълим муассасалари;
- 5) олий таълимдан кейинги таълим муассасалари (малака ошириш курслари ва кадрларни қайта тайёрлаш марказлари);
- 6) таълимни бошқариш органлари;
- 7) ўқув курслари, махсус ўқув юртлари, бизнес марказлари, тилга жадал ўргатиш курслари.

II. Лавозимлари:

- 1) касб-хунар коллежларида умумкасбий фанлар ўқитувчиси;
- 2) касб-хунар коллежларида махсус фанлар ўқитувчиси;
- 3) методист ва бошқалар.

III. Шахсий сифатларга талаблар:

- 1) психологик;
- 2) мулоҳазали;
- 3) ахлоқий;
- 4) фаолиятни ташкил этиш маҳорати ва усулларига қўйилувчи талаблар.

IV. Лавозим бўйича амалга оширилувчи вазифаларнинг рўйхати.

Мутахассис касбий фаолияти модели турларидан бири касбий тавсифнома (профессиограмма) ҳисобланиб, у инсоннинг шахсий сифатлари, психологик қобилият ҳамда жисмоний имкониятларига қўйиладиган касбий талаблар, шунингдек, касбий шаклланиш технологияларини муайян тартибга солувчи ҳужжатдир.

Касбий тавсифнома мутахассисга касб талабларини самарали бажариш, ижтимоий жамият учун зарур бўлган маҳсулотни олишга имкон берувчи, айтилиши вақтда ишчи томонидан ўз шахсининг ривожланиши учун шароитлар яратувчи, мутахассиснинг шахсий сифатлари ва касбий фаолият турларининг касбнинг илмий жиҳатдан асослашга имкон берувчи меъёр ҳамда талаблар мажмуидир.

Касбий тавсифнома маълум соҳа бўйича фаолият юритувчи мутахассиснинг муваффақиятли равишда умумлаштирилган намунавий модели саналади. Бироқ айрим ҳолатларда профессиограммада «ўрта» даражадаги касбий фаолиятни бажариш вариантлари ҳам инобатга олинади. Профессиограмманинг мазмуни ва тузилишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд.

Намунавий касбий тавсифнома қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

1) мутахассислик таълим йўналиши, билим соҳаси ва ихтисослик номи;
2) касбий таълим (таълим шакллари, ўқишга кириш шартлари, таълимнинг давомийлиги, эгалланадиган малака даражаси, касбий жиҳатдан ўсиш имкониятлари), ўқишни давом эттириш;

3) касбий фаолияти (вазифаси) хусусиятлари, фаолиятнинг устувор жиҳатлари, малакавий талаб ҳамда эгалланиши зарур бўлган асосий малакалар;

4) психограмма касбий-йўналтирилган талаблар, ижтимоий маданий сифатлар, мутахассисликка хос бўлган сифатлар (касбий йўналганлик, билимдонлиги, касбий лаёқат);

5) меҳнатнинг санитария-гигиеник шароитлари (иш тартиби, сенсомоторли ва перцептив доирадаги тиббий кўрсатмалар).

Меҳнат фаолиятининг умумий (ижтимоий, технологик, иқтисодий, санитария-гигиеник) хусусиятлари энг оммалашган касбий тавсифномада касбий фаолиятнинг мақсади, предмети, усули, натижаларни баҳолаш мезони, зарур малакавий хусусиятлари, воситаси, шarti, ташкил этилиши, меҳнат кооперацияси, меҳнат омилкорлиги, хавф-хатар турлари ва уларнинг ишчи ҳаёти ва фаолиятига бўлган салбий таъсири ёки фаолият натижаси учун фойдаси каби ҳолатлар ўз аксини топади.

Сўнгги пайтларда тақлиф этилаётган таҳлилий касбий тавсифномада «касбий фаолият ва шахсининг касбий аҳамиятли сифатлари, унинг алоҳида жиҳатлари эмас, касб (ёки касбий фаолият)нинг психологик тузилмасини умумлаштирувчи меъёрий ва морфологик кўрсаткичлар» ёритилади.

Таҳлилий касбий тавсифномада қуйидаги икки блокнинг алоҳида қайд этилишининг зарурлиги таъкидланади: 1) маълум шахсга боғлиқ бўлмаган ва ижтимоий тажрибаларга асосланувчи касбий фаолиятнинг объектив

хусусиятларини тавсифлаш; 2) объектив фаолиятга симметрик, бироқ у билан мос келмайдиган психологик мазмунга эга фаолият ва унинг сифатларини тавсифлаш. Бошқача қилиб айтганда, аналитик профессиограммада касбий фаолият меъёри, психологик тузилмаси ҳамда ишчининг психологик сифатлари алоҳида қайд этилади.

Анча мураккаб турдаги профессиограмманинг таркибий тузилмаси, касбий фаолиятнинг моҳияти, шунингдек, мутахассис шахсини тавсифлаш (трудограмма ва психограмма) имкониятини берувчи тузилма билан танишамиз.

«Касбий фаолият тавсифи» (трудограмма)нинг мазмунида қуйидагилар акс этади:

1. Касбнинг йўналганлиги, вазифаси, унинг жамиятдаги ўрни ва роли (моддий маҳсулот ёки ғоялар ишлаб чиқариш, турли ижтимоий соҳаларда хизмат кўрсатиш, ахборотларни тўплаш, сақлаш ва тарқатиш)нинг инсонга йўналтирилганлиги.

2. Касбнинг кенг тарқалганлиги (ушбу касб бўйича фаолият олиб боровчи ташкилотлар).

3. Касбнинг меҳнат предмети - инсон учун меҳнатни ташкил этиш жараёнида таъсир кўрсатувчи ижтимоий омиллар (моддий буюмлар, ижтимоий-ғоявий предметлар - маданият, ахборот, маълум шахс ёки омманинг ижтимоий онги, нотабиий буюмлар).

4. Касбий билимлар муайян йўналишда фаолиятни ташкил этишнинг турли жиҳатлари борасидаги маълумотлар тўплами сифатида.

5. Самарали натижага эришиш учун фаолият жараёнида қўлланилувчи техника, технология, ҳаракат, усул, маҳорат ва иш методлари, фаолиятлар ҳамда уларнинг кўлами, умумлаштирилган ва автоматлаштирилганлиги.

6. Меҳнат воситалари - зарур меҳнат маҳсулотини олиш йўлида хусусий мақсадни амалга ошириш, меҳнат предметига таъсир кўрсатиш мақсадида инсон томонидан фойдаланадиган ижтимоий (моддий ва маънавий) омиллар. Меҳнат воситалари сирасига иш қуроллари, асбоб-ускуналар, компьютерлар ҳамда мантиқий фикрлаш, ахлоқий ва эстетик баҳолаш тизим ва кўрсаткичлари киради.

7. Меҳнат шароитлари: меҳнат ва дам олиш тартиби, уларни ўзгартириш имкониятлари; ижтимоий муҳит хусусиятлари; меҳнатнинг санитария-гигиеник омиллари; иш жойи, меҳнат суръати, жадаллиги ва ишнинг давомийлиги.

8. Меҳнатни ташкил этиш ва бу борада ҳамкорликка эришиш: ушбу касб учун характерли бўлган индивидуал, ҳамкорликка асосланувчи ва гуруҳли фаолият турлари: касбий муносабатлар турлари ва унда унинг иштирокчилари тутган ўрин, улар ўртасида меҳнат воситалари ва маҳсулотларнинг алмашиши; ишни бажариш меъёрлари ва муддати; лавозимлар ёки лавозимлар тартиби бўйича бўйсунуш, касб доирасидаги ижтимоий мавқе ва мансаб.

9. Меҳнат маҳсулоти (ёки унинг натижаси): инсон томонидан меҳнат жараёнида содир этилувчи сифат ва миқдор ўзгаришлари, меҳнат

натижаларини баҳолаш кўрсаткичлари, меҳнат натижасининг муайян даражаси (меҳнатни касб тақозоси учунгина бажарилишидан ижодий хусусият касб этишига эришилиши), қатъий тартибларнинг белгилаб қўйилиши.

10. Касбий маҳоратнинг мавжуд даражалари ва малакавий разрядлар, уларга ҳақ тўлаш тартиби.

11. Мутахассиснинг хулқи: психологик ва ижтимоий хавфсизлик, касбий фаолиятида қулай микромуҳитнинг мавжудлиги; ижтимоий қафолатлар, меҳнат ва дам олишга ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш; меҳнат фаолиятини бажаришнинг индивидуал методини танлаш ва операцияларни индивидуал тарзда ўзгартириш ҳуқуқининг мавжудлиги, малакани ошириш, турдош касблар бўйича қайта тайёрлаш борасидаги имтиёзлар, лавозим бўйича «ўсиб бориш» тартиби ва мутахассиснинг касбий жиҳатдан ўсишининг рағбатлантирилиши.

12. Мутахассиснинг мажбуриятлари: касбий малакани эгаллаш, касбий хулқ-одоб қоидаларининг мажбурийлигини билиш (касбдошлари билан муносабатда самимий, ахлоқли бўлиш); иш жараёнида касбий ва хизмат сирларини сақлаш қоидаларига амал қилиш, ҳужжатларни тўғри юритиш; муайян чекланишлар (яъни, ушбу фаолият жараёнида маълум хатти-ҳаракатларни содир этишнинг таъқиқланганлиги); лавозим бўйича вазифалар ва мажбуриятлар (у ёки бу ташкилотда муайян лавозимга кўра мутахассиснинг қандай вазифаларни қай тарзида бажариши).

13. Касбнинг инсон хулқ-атвори ва яшаш тарзига кўрсатувчи таъсири.

14. Ўз-ўзини шакллантириш, физиологик-психологик ривожланиш йўналишлари, биопсихологик ўзгаришлар, касб воситасида қарор топувчи индивидуаллик, унинг шахсни ривожлантириш борасидаги имкониятлари, касбий жиҳатдан таркиб топган муайян жамоа ҳамда ижтимоий гуруҳга мансублик.

15. Касбий фаолиятнинг салбий жиҳатлари: қийинчиликлар, касбий фаолият жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар, уларнинг турлари ва кўлами, рўй бериш эҳтимоли бўлган моддий ҳамда маънавий йўқотишлар, мураккаб вазиятларнинг мавжудлиги, вазиятнинг ўзгарувчанлиги ёки тўхталишларнинг содир бўлиши, монотонлик, вақтнинг чегараланганлиги, ахборот етишмовчилиги ёки уларнинг кўплиги; авария ҳолатларининг содир этилиш эҳтимоли, касбий касалликларни келтириб чиқарувчи ва бошқа психологик ҳолатлар; касбий жиҳатдан юқори лавозимларга кўтарилишнинг мумкин эмаслиги, паст даражадаги меҳнат самарадорлиги, мавжуд қоидаларни бузганлик учун белгиланувчи маъмурий жазо (жарималар) турлари.

Психологик тавсифнома (психограмма - мутахассиснинг маънавий-ахлоқий ва руҳий қиёфаси). Касбий фаолиятни самарали ташкил этишда ижтимоий-касбий муносабатлар, касбий жиҳатдан ўсиш, шунингдек, содир бўлиш эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун талаб этилувчи психологик сифатлари муҳим аҳамият касб этади, уларнинг сирасига қуйидагилар киради:

1) шахсий эҳтиёжлар, ҳаётий мақсад, вазифалар, талаблар, қизиқишлар, шахс иштирокида ташкил этилувчи муносабатлар мазмуни, қадриятли йўналишлар, психологик позиция;

2) касбий интилишлари, талаблари, касбий жиҳатдан ўзини баҳолаш, ўзини мутахассис сифатида англаш;

3) психик ҳолат ва ҳиссий (эмоционал) қиёфа;

4) меҳнат, уни ташкил этиш жараёни ва натижалардан қониқиш (мутахассиснинг операционал хусусиятлари);

5) меҳнат ва касб борасидаги психологик билимлар;

6) психотехнологиялар, психологик ҳаракатлар, усуллар, методлар, маҳорат ва техникаси (уларнинг, шахснинг ўзи ва бошқаларга таъсири);

7) касбий қобилият, касбий салоҳият, касбий жиҳатдан ўсиш имкониятлари;

8) касбга хос, шу жумладан, ижодий фикрлаш, касбий тажрибани бойитиш имкониятлари;

9) касбий жиҳатдан ўсишни режалаштириш ва ривожланиш;

10) психологик зиддиятлар (касбий фаолиятга мутлақо ёки муайян даражада мос келмайдиган психик сифатлар, бу ўринда касбга хос операционал зиддиятларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир);

11) касбий жиҳатдан ўсиш йўналишлари.

Бизнинг назаримизда касбий тавсифнома мазмунида, яна шунингдек, касбий жиҳатдан тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, алоҳида психологик сифатларини машқ қилдириш, ўзгартириш, ўрнини тўлдириш, касбий малакани ошириш ва турдош касбга йўналтириш (шахснинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиш асосида) масалаларининг ёритилиши мақсадга мувофиқдир.

Мутахассис шахси ва фаолиятини моделлаштиришга нисбатан ёндашувларнинг турлича бўлишига қарамай, илмий тадқиқотларда касбий педагогик тайёргарлик тизимида мутахассиснинг касбий ва шахсий камолоти, шунингдек, мутахассисни касбий тайёрлаш жараёнининг моделини яратиш муаммоси тадқиқ этилмаган.

Буюк Британиялик олим М.Розенберг ўқитувчи фаолиятининг тўққиз йўналиши ва уларга нисбатан қўйилувчи қуйидаги касбий талабларни ишлаб чиқди:

- ўқувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини билиш;
- фаолият самарадорлигини баҳолай олиш;
- ўқув дастурларини ишлаб чиқа олиш лаёқатига эгалик;
- касбий маҳоратга эга бўлиш;
- маслаҳатчи бўла олиш;
- коммуникабеллик лаёқатига эга бўлиш;
- илмий тадқиқот ишларини олиб бориш қобилиятига эгалик;
- доимий равишда касбий маҳоратни такомиллаштириб боришга эришиш;
- шахсини маданий жиҳатдан такомиллашувига эришиш.

Л.М.Митина ўқитувчилик фаолияти моҳиятига таянган ҳолда бўлажак ўқитувчини касбий-педагогик жиҳатдан тайёрлаш модели куйидаги учта ўзаро боғлиқ йўналиш асосида намоён бўлишини қайд этиб ўтади: 1) талабанинг шахси; 2) талабанинг ўқув-ўрганиш фаолияти; 3) талаба томонидан ташкил этилувчи ижтимоий муносабатлар.

Айрим касбий тавсифномаларда, яна шунингдек, куйидаги ҳолатлар ҳам ёритилади:

а) таълим олиш сабаблари;

б) ўқув топшириғи сифатида таклиф этиладиган ва ўқувчилар томонидан қабул қилинадиган таълимий масалалар (педагогик амалиёт жараёнида ҳар бир талаба ижобий ҳал этилиши талаб этилувчи педагогик масалаларга дуч келади);

в) таълимий фаолиятни муваффақиятли ташкил этиш асосида ўқиш-ўрганиш масалаларини ҳал этиш;

г) ўқув машғулотлари жараёнида ўқитувчининг аста-секин фаолиятини назорат қилиш ва ўзига баҳо бериш лаёқати такомиллашиб боради, бу ҳолат ўқувчилар фаолиятини ҳам назорат қилиш ва баҳолашда алоҳида аҳамиятга эга. Касбий тавсифномаларда ўқитувчининг шахсий ва касбий сифатлари ҳамда кўрсаткичлари етарлича тизимлаштирилмаган.

Тадқиқотда бўлажак ўқитувчининг касбий шаклланиш моделини унинг билим, кўникма, малакалари ва шахсий маданиятига кўра яхлит тизим сифатида яратиш масаласи тадқиқ этилди.

Юқорида келтирилган касбий-педагогик фаолиятни моделлаштиришга оид таҳлилларимиз ҳамда биогенетик, ижтимоий-генетик ҳамда маданий генетик жараёнларни қиёсий ўрганишимиз асосида меҳнат таълими ўқитувчини тайёрлашнинг масалали-фаолиятли модели ишлаб чиқилди. Мазкур модел маданий генетик жараён негизига қурилиб, унда ўқитувчи раҳбарлигида ҳамда мустақил таълим олиш билан боғлиқ таълим шакллари асос сифатида олинди. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисини тайёрлашда замонавий таълим тури сифатида масофали таълим технологиясини ишлаб чиқдик.

Ишлаб чиқилган моделга кўра педагогик, техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар меҳнат таълими ўқитувчисини тайёрлашда педагогик, умуммуҳандислик ҳамда мутахассислик туркуми фанлари уйғунлигини таъминлаб, меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик тайёргарлигини юқори сифат даражасига кўтаради.


Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий шаклланиши муайян индивидуал сифатларнинг ўзаро боғлиқлиги ва шахснинг ижтимоий-маданий фаоллик даражасига боғлиқ бўлади. Тадқиқотларимиз натижаларига кўра ушбу сифатлар мотивацион, иродавий, ақлий, ҳиссий, амалий ҳамда ўз-ўзини бошқара олиш лаёқати кабилардан таркиб топиши аниқланди.

Масалали-фаолиятли моделда таълим мазмуни уч даражада:

– таянч компетентлик (ўқув режасидаги барча блок фанлари учун);

– фанлараро компетентлик (ўқув режасидаги бир блок фанлари тўплами учун);

– предмет доирасидаги компетентлик (ўқув режасидаги бир юзасидан) шаклида келтирилган.



2-расм. Меҳнат таълими ўқитувчисини шакллантиришнинг масалали-фаолиятли модели

Шундай қилиб, таянч компетентлик олий педагогик таълимнинг ҳар бир босқичи учун таълим блоклари ва ўқув фанлари даражасида аниқланади. Таянч компетентлик тартибини белгилашда касбий педагогик таълимнинг асосий мақсадларига мувофиқ ижтимоий ва шахсий тажрибанинг моҳияти, ижтимоий жамиятда касбий фаолиятни ташкил этиш жараёнида ҳаётий кўникмаларни эгаллашга имкон берувчи асосий турлар муҳим аҳамият касб этади.

Моделда келтирилган меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаш давлат таълим стандартлари мутахассисларни тайёрлаш ва сифатини назорат қилиш механизми вазифасини ўтайди.

Меҳнат таълими ўқитувчисини шакллантириш модели – таълим ва ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятларни муваффақиятли ҳал этилишини таъминловчи, мотивацион хислатлар, интеллектуал салоҳият, иродавий сифатлар, амалий кўникмалар, ҳиссий сифатлар ҳамда ўз-ўзини бошқара олиш сифатларини таърифловчи, касб эгасининг мустақил билим олиши ва ўзини ривожлантиришини акс эттирувчи андоза ҳисобланади.

Меҳнат таълими ўқитувчиларининг маданий-генетик жараён маҳсули сифатида масофали таълим асосида педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар негизида тайёрланиши уларда зарурий индивидуал сифатлар ҳамда таянч компетентликни таркиб топтириш учун асос вазифасини ўтайди. Бу эса бўлажак ўқитувчи шахсининг давлат таълим стандартлари талабларига тўла жавоб берувчи етук мутахассис сифатида касбий шаклланишини таъминлайди.

Назарат саволлари

1. Меҳнат таълим ўқитувчининг касбий фаолият функциялари.
2. Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолиятини моделлаштириш.

Адабиётлар рўйхати

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

6. Ишмухамедов Р, Абдуқодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъдод”, 2008. – 180 б.

7. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б

8. Нишоналиев У.Н., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С.. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007.

4-Мавзу Меҳнат таълимини жараёнини мазмунан модернизациялаш.

Режа:

1. Таълимнинг дидактик тизими ҳақида умумий тушунча.
2. Предмет тизими, операция тизими, операция-предмет тизими, моторли-машқ тизими, операция-комплекс ва бошқа тизимлар
3. Меҳнат таълими дидактик тизимларини такомиллаштириш

Таянч иборалар: тизим, буюм тизими, операция тизими, операция буюм тизими, моторли машқ тизими, операция комплекс тизими, конструкцион-технологик тизими

1.Таълимнинг дидактик тизими ҳақида умумий тушунча. Таълим тизими деб, амалий кўникма ва меҳнат малакаларини тўғри таркиб топишини, касбий фаолиятга тайёрлашни таъминлайдиган ўқув материалнинг мақсадга мувофиқ тузилмасига, уни ташкил этиш ва изчиллигига айтилади.

Дидактика ва методика бир бири билан узвий боғлиқ. Методика деганда, илмий усуллар ҳақидаги фан тушунилади. Бу фан дидактиканинг хусусий холидир. Дидактика “кимни”, “нимага” ва “қандай қилиб” ўқитиш керак деган саволлар билан шуғулланса, у билан узвий боғлиқ ҳолда методика эса “қайси тарзда” ва “нималар ёрдамида” ўқитиш масалалари билан шуғулланади. Бошқача қилиб айтганда, ўқитиш методикаси - бу турли хил йўллар ва усуллар тизими бўлиб, ўқув дидактик материаллардан фойдаланиб, белгилардан мақсадларга эришиш учун назарий дарс ва йўриқнома вақтида қўлланилади.

Дидактика ва методика бир медалнинг икки томонидир: “нима учун ва нима”, яъни дидактикани, “қайси тарзда ва нималар ёрдамида”, яъни методикани белгилайди.

Таълим жараёни ўзаро боғлиқ ва айлана ҳаракатда амалга ошадиган ўқитиш тадбирлари модулига асосланган, яъни улар машғулот жараёнида ёки иш ўрни меҳнат таълими ўқитувчиси томонидан мунтазам равишда такрорланадиган тадбирларни билдиради. Улар бирор жараённинг барча

элементларини қамраб олади, мисол учун, аниқ бир назарий дарс ёки йўриқномани ўтказиш учун “тайёргарлик кўриш – ўтказиш – баҳолаш” каби ҳаракатлар керак. Дидактик хатти ҳаракатлар қуйидаги саволлар билан узвий боғланган:

1. Маълумот йиғиш. Ўқувчи берилган иш топшириғини таҳлил қилади, керакли ҳамма маълумотларни мустақил равишда йиғади.

2. Режа тузиш. Ўқувчи мустақил равишда бошқа керакли иш босқичларидан иборат иш режасини тузади.

3. Қарор қабул қилиш. Ўқувчи ўқитувчи билан биргаликда иш режасини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилади.

4. Амалга ошириш. Ўқувчи иш режаси асосида ишни мустақил бажаради.

5. Текшириш. Ўқувчи иш натижасини мустақил текширади ва “баҳолар варағини” тўлдиради.

6. Хулоса чиқариш. Ўқувчи ва ўқитувчи биргаликда иш жараёнини, шунингдек, иш натижаларини таҳлил қилади ва хулоса чиқаради.

Билимларни ўзлаштириш (таълим олишда) фақат хотира хусусиятлари эмас, балки шахсий қобилиятлар, фикрни жамлаш, мақсад ҳамда тиришқокликка ҳам боғлиқ. Мақсадга интилувчанликнинг зарурий шартлари кўпроқ ва мустаҳкамроқ ўзлаштирилади.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлардан ва сарқитлардан тўла ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир. Бу эса ўз навбатида таълим жараёнига бошқа кўз билан қарашни талаб этади. Хусусан, таълим тизими учун янги поғона ҳисобланган меҳнат таълими тизимида бу муаммо ўз долзарблиги билан алоҳида ажралиб туради. Дунёга янги кўз билан қарайдиган уддабурон, ишнинг кўзини билувчи, келажагимиз пойдеворини қурувчи ва юксалтирувчи ишчи мутахассис кадрларни

тайёрлаш, республикамиз олдида турган энг муҳим ва масъулиятли вазифадир. Кейинги йилларда бу борада ҳам катта ишлар олиб борилмоқда.

2.Предмет тизими, операция, операция-предмет тизими, моторлик машқ тизими, операцион-комплекс бошқа тизимлар. Меҳнат таълимида 6 та тизим маълум:

1. Буюм тизими.
2. Операция тизими.
3. Операция буюм тизими.
4. Моторли машқ тизими.
5. Операция комплекс тизими.
6. Конструкцион-технологик тизими.

Дастлаб *буюм (предмет) тизими* пайдо бўлган. Бу тизимга ўқувчи ўзи ўзлаштираётган касб учун тегишли бўлган буюмларни тайёрлаган. Бунда буюмлар мураккаблиги ортиб борган.

Тайёрлаш жараёни дидактик жиҳатдан алоҳида операцияларга ажратилмаган. Ўқувчи айрим меҳнат усулларини бажариш қоидалари билан махсус танишмаган, фақат ўқитувчининг иши ва бошқа ҳаракатларини такрорлашга интиланган. Бундай таълим натижасида ўқувчиларни таниш буюмни тайёрлаш учун ўз билим ва малакаларидан фойдалана олмайдилар, ҳар бир янги буюмни тайёрлаш жараёнида ишни қайтадан ўрганишга мажбур бўладилар. Мазкур тизимнинг асосий камчилиги ана шундан иборат. Буюм (предмет) тизими хунармандчилик ишлаб чиқариш усулини акс эттирган ва XIX асрнинг 2-чи ярмигача кенг қўлланилган.

Мануфактураларнинг пайдо бўлиши ва шунга кўра меҳнатнинг тақсимланиши технологик жараённинг операцияларга бўлинишига олиб келди, яъни меҳнат таълимининг операция тизими вужудга келади. Бу тизим XIX асрнинг охирида юзага келди.

Операция тизими бўйича ўқитишда ўқувчилар ўзлари эгаллайдиган касбнинг мазмунини ташкил қилувчи меҳнат операцияларини ўрганишган. Шу сабабли улар ҳар қандай буюмни тайёрлаш бир хил операциялардан

иборат, бундан фақат операцияларнинг бажарилиш тартиби ва ишлов беришнинг аниқлигига қўйиладиган талаблар бир-биридан фарқ қилади, деган тушунчага эга бўлишган. Шундай қилиб, операция тизими ўқувчиларни буюм тайёрлашга боғлаб қўймай, касб доирасидаги умумий билим, амалий кўникма ва малака билан қуроллантирган. Таълимнинг буюм тизимига нисбатан операция тизимининг афзаллиги ана шудир. Операция тизими ёрдамида ишлаб чиқариш технологиясини тушуниш учун шарт-шароитлар яратилади, таълимни янги изчил (оддий операциялардан мураккаб операцияларга) ташкил қилиш имконини беради, меҳнат кўникмаларини ва малакаларини шакллантиришда, асосий операцияларни ўзлаштириб олишга ижобий таъсир кўрсатади.

Операция тизими туфайли ишлаб чиқарилган технологиясини тўғри тушуниш учун биринчи марта шарт-шароит яратилди: бу тизим таълимни анча изчил (оддий операциядан анча мураккаброқ операцияга ўтишда) ташкил этиш имконини берди, бу меҳнат кўникмалари ва малакалари ҳосил бўлишига; асосий операцияларни ўзлаштириб олишга ижобий таъсир кўрсатади. Мазкур тизимга асосан таълим бериш бўлиб юборилган технологияга асосланган ишлаб чиқариш шароитида шогирдни ана шу операциялардан исталган биттасини бажаришга тайёрлар эди.

Ниҳоят, болаларни буюмлар сонига нисбатаи унча кўп бўлмаган муайян операциялар туркумини бажаришга ўргатиш ўқувчиларни тайёрлаш муддатларини қисқартиришга олиб келади. Бироқ бу ижобий фактлар билан бир қаторда операцион тизимга хос бўлган жиддий нуқсонларни ҳам унутмаслик керак. Гап шундаки, ўқувчи томонидан ўзлаштириладиган кам сонли операциялар тайёрланадиган буюмдан ажралган тарзда бажарилади; ўқувчи ўз меҳнати пировард натижасини тугал буюм сифатида кўролмайд; ишлаб чиқариш характериға эга бўлмаган операциялар билан узоқ вақт давомида машғул бўлиш ўқувчиларнинг қизиқиншини пасайтиради, операция давридаги ўрганилаётган операцияни қайта такрорланиб турмаслиги

болаларда илгари ҳосил бўлган меҳнат кўникмалари ва малакаларини ҳам қисман йўқотилишига олиб келарди.

Шундай қилиб, мануфактура ишлаб чиқариши даврида пайдо бўлган операция тизимини ва унга мос унумли меҳнат таълими мазмуни ўша давр талаб ва мақсадларига тўла жавоб берарди. Чунки, ишлаб чиқаришнинг ўзи бўлиб юборилган технология (операция) ва ишчи (операцияни бажарувчи) дан иборат эди.

Операция тизимининг камчилиги шундан иборатки, операциялар умуман ўқув буюмлари тайёрлаш жараёнида ўзлаштирилади, яъни ўқувчилар меҳнати унумли меҳнат характерида бўлмайди. Натижада уларнинг ишга кизиқиши сусаяди. Операция тизими операцияларни бажариш билан буюмлар тайёрлашни узиб қўяди.

Операция буюм тизими – XIX асрнинг 90-йилларида С.А.Владимирский томонидан таклиф этилган. Бу тизим ўқувчилар томонидан меҳнат операцияларини ўйлаб, танланган буюмларни тайёрлаш жараёнида ўрганишни кўзда тутди. Бунда буюмлар шундай йўсинда танлаб олинадики, биринчисини ясашда энг енгил (3-5) операция ўзлаштирилади, навбатдагиларини тайёрлашда анчагина мураккаброқ кўп операциялар ўрганилади.

Дастлабки кўникма ва малакаларни ҳосил қилишда махсус машқларга эътибор бермаслик бу тизимнинг самарадорлигини бирмунча пасайтиради. Бундан ташқари ишлаб чиқариш таълимининг биринчи машғулотларидаёқ бирданига кўп операцияларни ўз ичига олган буюмларни тайёрлаш ўқувчиларда бу операцияларнинг мазмуни ҳақида тўғри тасаввур бўлмаслигига олиб келарди.

Операция-буюм тизимининг ютуғи ўқувчи ўз меҳнати натижасини кўради, операцияларни ўзи танлайди. Камчилиги: машғулотнинг биринчи дарсиданоқ ўз ичига бир неча операциялар олган буюмларни тайёрлаш ўқувчиларда бу операцияларнинг мазмуни ҳақида тўғри тасаввур бўлмаслигига олиб келарди. Шунинг учун ҳам тизим кенг тарқалмоқда.

Моторли-машқ тизими. Машина индустриясининг гуркираб ўсиши, ишчилар меҳнатини интенсивлаш ҳисобига максимал фойда олишга интилиши меҳнат жараёнларининг ҳаддан ташқари бўлиниб кетишига олиб келди. Ишчи энди бир қатор алоҳида ёки битта операцияни бажариш ўрнига машинани бошқариш ва унга хизмат кўрсатишдан иборат чекланган миқдорда жисмоний меҳнат усулларини бажариши керак бўлиб қолди. Шунда ҳам бу усулларни аниқ, тез ва машинанинг ишлаш вақтига қараб қатъий белгиланган вақтда бажариши шарт. Бундай характердаги меҳнат усуллари ва уни ташкил этувчи иш ҳаракатларини фақат махсус машқ жараёнидагина ўзлаштириш мумкин эди. Ишлаб чиқариш таълимининг мазкур тизими моторли - машқли тизим деб аталишининг бойиси ҳам ана шундадир. Ишчилар тайёрлашнинг бу тизимини америкалик инженер Тейлор яратган. Унинг мазмуни қатъий танлаб олинган меҳнат усуллари ва уларнинг элементлари (иш ва иш жараёнидаги ҳаракат)ни механик тарзда машқ қилишдан иборат. Таълим тизimini тўғри меҳнат усулларини тез шакллантиришга қаратилган машқ машғулотларини муайян изчилликда бажарилиши билан характерланади. Бироқ ўқувчининг алоҳида иш ҳаракатлари ва усулларини бажариши кўпинча операциянинг ўзидан, бунинг устига меҳнат жараёнларидан ажратган ҳолда амалга оширилади, бу эса уларни механик тарзда ўзлаштирилишига олиб келади, барча меҳнат жараёнларининг компонентлари ўртасидаги объектив мавжуд алоқа бузилади.

Ушбу тизимнинг камчилиги мотор-машқ тизими бўйича ўқитиш ўқувчилар кўникма ва малакаларни онгли ўзлаштиришни назарда тутмасди. Кўникмаларни шакллантириш махсус аппаратлар ва ҳақиқий меҳнат жараёнини эслатадиган машқларни қўллаш билан амалга ошириларди. Кўп марта такрорлаш натижасида мушакларни маълум ҳаракатларни онгнинг иштирокисиз ҳам бажаришга “ўргатиш” мумкин, деб фараз қилинган. Таълимда бундай ёндошиш маъқулланмади ва тез уни рад қилинди. Мотор-машқ тизимининг ютуғи шундаки, унда меҳнат ўқув ва малакаларини

шакллантиришнинг дидактик жиҳатдан асосланган, психофизиологик қонуниятларига мос келадиган кетма-кетлиги: меҳнат усули – меҳнат операцияси – меҳнат жараёни биринчи марта ишлаб чиқилган ва қўлланилган.

Бу тизимда ўқувчиларга меҳнат таълими бериш беш даврга бўлинади:

1. Асосий меҳнат фаолияти ва ҳаракатларини ўзлаштириш бўйича машқ машғулотлари.
2. Меҳнат усулларини ўзлаштириш бўйича машқлар.
3. Меҳнат операцияларини бажаришга доир ўрганиш машқлари.
4. Ўқувчиларни махсус танланган буюмлар устида илгари ўзлаштирилган меҳнат операцияларини операциялар комплексига бирлаштиришга ўрганиш.
5. Мустақил давр, бунда ўқувчилар айти касбга доир характерли бўлган буюмларни тайёрлайди.

Операция-буюм мотор-машқ тизимларининг камчиликлари ва ютуқлари ўрганилиб, *операция-комплекс тизими* юзага келди. Бу тизимга асосан ўқувчи аввал 2-3 та кетма-кет операцияларни ўзлаштиради, сўнг шу операцияни ичига олган комплекс ишларни бажаради. Меҳнат операцияларини ўзлаштириш ва уларни комплекс ишларда қўллаш таълимнинг 1-босқичидаги асосий вазифадир. Иккинчи босқичда ўқувчилар ишлаб чиқаришдаги унумли меҳнатга қўшиладилар. Масалан, кийим тикишда қўлланиладиган барча турдаги енгни, ёқани, майда қисмларини тикишни ўргатиб бўлингандан сўнг уни кийимда қўллаш бажарилади. Камчилиги: ўқувчи ўзининг ишининг натижасини жуда узоқ вақтдан сўнг кўради. Натижада қизиқиш сусаяди.

Ҳозирги вақтда ўқув устахоналарида амалий ишни бажариш жараёнида операция-буюм тизимидан фойдаланилади, чунки операцияни алоҳида ўрганиш режалаштирилган ва дастурда кўрсатилган буюм хилини маҳаллий шароитга қараб ўзгартириш мумкин.

3.Мехнат таълими дидактик тизимларини такомиллаштириш.

Кейинги йилларда ўқув устахоналарида *конструкцион-технологик тизим* бўйича машғулотлар ташкил этилади. Бу тизимнинг етакчи ғояси ўқувчиларни ижодий фаолиятини оширишдан иборатдир. Ўқувчи бирор буюмни тайёрлашдан аввал унинг лойиҳаси ва ишлов бериш жараёнини амалга ошириши керак бўлган шароитга олиб кирилади. Ўқувчи бирор кийимни тикиш учун аввал ўлчов олиши, асос чизмасини чизиши, андоза тайёрлаши, моделлаштириш, андозани газламага жойлаштириб, буюмни бичиши ва тикиш каби мураккаб жараённи бажаради. Бу жараённи бажаришда ўқувчиларни ижодий фаолиятлари ортиб боради. Ўқувчиларни ижодий фаолиятларини ортиши учун яратиладиган ҳамма нарсалар зўр бериб меҳнат қилишини тақозо этади.

Ижодий ишга идрок қилиш йўли билан эмас, балки фикрлаш фаолияти орқали эришилади. Ижодий ишлаш жараёни ғояни пайдо бўлиши, ижодий масалани вужудга келиши, масалан ечиш, ечимни амалда қўллаш босқичларига бўлиш мумкин.

Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятларини амалга оширишда педагогик раҳбарлик катта аҳамиятга эга.

1. Ўқувчиларни ҳар хил савол ва масалаларни мустақил ҳал қилиш имкониятларидан иборат фаолиятга қатнаштириш – ўқувчиларнинг устахоналардаги фаолияти ҳар хил характерда бўлиши ва шунга кўра турли даражадаги фикрлаш фаоллигида амалга ошириш мумкин.

2. Ўқувчиларни ижодий ғояга келтириш ёки улар олдида тўғридан-тўғри ижодий характердаги савол ва масалаларни кўйиши – ўқувчиларга техник ижодкорлик учун топшириқлардаги имкониятлари ва улардан фойдаланишни англатиш лозим.

3. Ўқувчиларни фан ва ишлаб чиқариш асосларига оид билимларини фаоллаштириш ва қўллашга ундаш – ўқувчиларга фан ва ишлаб чиқариш соҳасидаги турли усул ва услублардан фойдаланиб, билим, амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш.

4. Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятларини рағбатлантириш-ўқитувчининг мақташи, энг яхши ишлар кўргазмасини ташкил қилиш, деворий матбуотда ўқувчиларнинг ютуқларини оммалаштириш ва ҳоказолар билан ижодий фаолиятни рағбатлантириш мумкин.

Ўқувчиларнинг меҳнат таълими жараёнида техник ижодкорлигини ривожлантиришга қаратилган меҳнат топшириқлари мазмуни бўйича уч гуруҳга бўлинади:

- 1) Конструкциялаш ёки лойиҳалаш;
- 2) технологик жараёнларни тузиш;
- 3) меҳнатни тўғри ташкил этиш.

Техник ижодкорликни ривожлантиришни энг содда топшириқлардан бошлаш ва ўқувчиларнинг мустақиллигини орттириш, улар буюмларни конструкциялай оладиган, технологияни ишлаб чиқа оладиган, ўз меҳнатларини уюштирадиган бўлиш учун мазкур топшириқларни аста-секин мураккаблаштириб бориш керак.

Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Таълимнинг дидактик тизими деб нимага айтилади?
2. Дидактика ва методика тушунчаларини изоҳлаб беринг.
3. Дидактик хатти ҳаракатларнинг мазмун моҳияти нимада кўринади?
4. Меҳнат таълимининг қандай тизимлари мавжуд?
5. Буюм тизими, операция, операция-предмет тизимининг ўхшашлик ва фарқ қиладиган томонларини изоҳлаб беринг.
6. Меҳнат таълимида моторлик машқ тизими қачон пайдо бўлган?
7. Операцион-комплекс тизимининг ўзига хос жиҳатлари нималарда кўринади?
8. Меҳнат таълими дидактик тизимларини такомиллаштириш қандай амалга оширилади?
9. Ўқувчиларнинг техник ижодкорлигини ривожлантиришга қаратилган меҳнат топшириқлари мазмунини изоҳлаб беринг.

Мустақил таълим топшириқлари

1. Меҳнат таълими, касб танлашга йўллашнинг дидактик тамойилларини таълим жараёнидаги татбиғини таҳлил қилинг.

2. Билим, малака, кўникма, касб, ихтисослик; меҳнат жараёни, технологик жараён каби тушунчаларни очиб беринг ва унинг қўлланишини изохланг.

3. Меҳнат таълими, касб танлашга йўллашнинг дидактик тизимларини таълим жараёнидаги татбиғини таҳлил қилинг.

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. “Шарқ” Тошкент., 1998 й. 64 б.

2. Азизхўжайева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат ТДПУ. Тошкент., 2003й. 176 б.

3. Давлатов К., Воробёв А., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. “Ўқитувчи” Тошкент., 1992 й.320 б.

4. Олимов Қ.Т. ва бошқалар Касб таълими услубиёти “Иқтисод молия” Тошкент., 2006 й. 192 б.

5. Очилов М. Муаллим – қалб меъмори “Ўқитувчи” Тошкент., 2001 й. 432 б.

6. Ш.С.Шарипов, А.И.Воробёв, Н.А.Муслимов, М.Исмоилова Касбий таълим педагогикаси Тошкент., 2005 й. 58 б.

7. Йўлдошев Ғ.Ж., С.А. Усмонов Педагогик технология асослари. – Тошкент., Ўқитувчи. 2004. – 104б.

5-Мавзу Меҳнат таълими соҳасида илмий изланишлар, уларнинг устивор йўналишлари.

Режа:

1. 5-7 синфларда йўналишлар бўйича умумий меҳнат тайёргарлиги.
2. 8-9синф касбий тайёргарликкача бўлган жараён мазмуни
3. 8-9 синф ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш асослари.

Таянч иборалар: ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, шахсий сифат ва тафаккурни ривожлантириш, янги техника, илғор технология, рақобатбардош кадр, халқ хунармандчилиги касблари, тарихий ёдгорликлар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар, мосламалар, композитсия, ижодий қобилият, кимёвий ва физик-технологик жараёнлар, касблар таснифи.

1.Меҳнат таълимининг мақсад ва вазифалари. Меҳнат таълимининг мақсади ўқувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, жараёнлари ҳамда касблар билан таништириш, уларда дастлабки меҳнат кўникмалари ва малакаларини, меҳнатга қизиқиш ва меҳнатсеварликни шакллантириш, уларни меҳнат ва касбларни қадрлашга, уларнинг аҳамиятини тушунишга ўргатиш, онгли равишда касб танлашга тайёрлаш орқали касбгача тайёргарликларини амалга ошириш ҳамда жамият ва шахс фаровонлиги йўлида меҳнат фаолиятига қўшилишларига имкон берувчи шахсий сифат ва тафаккурларини ривожлантиришдан иборат.

Меҳнат таълимининг вазифалари:

- турли ишлаб чиқариш соҳалари мазмунига тааллуқли дастлабки маълумотларни ўргатиш, ўлчаш-текшириш асбобларидан, маълумот манбаларидан фойдалана олиш, меҳнат амалиётларини бажариш, эришилган меҳнат натижаларни белгиланган талаблар билан таққослаш орқали хулоса чиқаришга ўргатиш;

- халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатиладиган техника ва технологиялар тўғрисида билимлар бериш, инсон фаолиятининг турли соҳалари билан амалий меҳнат орқали яқинроқ танишишларига имкон яратиш;

- механизатсиялаштирилган ва электрлаштирилган воситалар билан ишлашни, технологик билим ва малакаларни, меҳнат қонунчилиги, хавфсизлик техникаси, санитария-гигиена қоидалари асосларини;

- ўқувчиларни бозор иқтисодиёти қонуниятлари талаблари асосида сифатли, рақобатбардош истеъмол моллари, меҳнат маҳсулотлари етиштириш ва етиштирилган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш воситаларини ўргатиш, иш бошқарув (менежерлик) унсурлари, ҳомийлик, ишбилармонлик сифатларини шакллантириш ва ривожлантириб бориш;

- ўқувчилар билимга интилиш ва меҳнатга муҳаббат, меҳнат кишисига нисбатан ҳурмат ҳиссини сингдириш, уларни жамоатчилик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш;

- халқ ҳунармандчилиги касбларини ўргатиш орқали халқнинг миллий руҳини, яшаш тарзини, анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш. Миллий кадриятлар, тарихий ёдгорликлар, халқ усталарининг бой меросини ўргатиш, улардан ўз амалий фаолиятларида фойдаланиш кўникмаларини мустаҳкамлаш;

- янги ишлаб чиқариш ва ахборот технологиялари, янги техника ва жиҳозларнинг қўлланилиши соҳаларини замонавий талаблар даражасида ва жаҳон тажрибаларига мос ҳолда ўрганишларини таъминлаш;

- турли соҳаларга оид касбий фаолият турларида қўлланиладиган асбоб-ускуналар, жиҳозлар, мосламалардан фойдаланишни ўргатиш;

- ўқувчиларда умуммеҳнат кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларнинг қизиқиши, қобилияти, касбий мойилликларига кўра, касб-хунар турларини танлашга асос бўладиган сифатларни, умуммеҳнат маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш.

1. 5-7 синфларда йўналишлар бўйича умумий меҳнат тайёргарлиги

“Технология ва дизайн” йўналиши

Ёғочга ишлов бериш технологияси бўлими: ўқувчилар ёғочнинг хусусиятлари тўғрисида бошланғич билимларни эгаллаш, уларни режалаш, йўниш, арралаш, тешиш, пардозлаш ишлари ва бу ишларни бажаришда

ишлатиладиган қўл ва электр асбобларининг тузилиши, ишлаши, дастгоҳлар, электр ва механизатсиялаштирилган жиҳозлар, машиналар элементлари, янги техника ва илғор технология асослари, технологик хариталар, уларни тузиш ва фойдаланиш, хавфсизлик техника қоидалари, санитария-гигиена талаблари тўғрисида билим ва амалий кўникмаларни; дизайн талаблари даражасидаги рўзғорбоб ва харидоргир буюмларни тайёрлаш малакаларини эгаллайдилар; халқ хунармандчилигининг этник, тарихий, маҳаллий, географик хусусиятлари, тадбиркорлик, ижодкорлик асослари; ёғочга ишлов беришга оид касб-хунар турлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўладилар.

Металлга ишлов бериш технологияси бўлими: ўқувчилар металлларнинг хусусиятлари тўғрисида бошланғич билимлар, режалаш, ишлов бериш, пардозлаш ишлари ва бу ишларни бажаришда ишлатиладиган қўл ҳамда электр асбобларининг тузилиши, ишлаши, дастгоҳлар, электр ва механизатсиялаштирилган жиҳозлар, машина элементлари, янги техника, илғор технология асослари, технологик хариталар, уларни тузиш ва фойдаланиш, меҳнат қонунчилиги ҳамда хавфсизлик техника қоидалари, санитария-гигиена талаблари тўғрисида билим ва амалий кўникмаларга; рўзғорбоб ҳамда харидоргир, дизайн талаблари даражасидаги буюмларни тайёрлаш малакаларини эгаллайдилар; металга ишлов беришга оид халқ хунармандчилиги соҳалари; металлларга ишлов беришга оид касб-хунар турлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўладилар.

Электротехника ишлари бўлими: ўқувчилар электр монтаж ишларида иш ўрнини ташкил қилиш; электр ўтказиш симларининг турлари; электр ўтказгичларни монтаж қилиш изоляциялаш ишлари; электр асбоблари; электр ўтказиш симларини монтаж қилиш ҳамда иш асбоблари билан билан ишлаш усулларини ўрганиш; битта хонани ёритиш занжири схемасини тузиш; маиший электр асбобларини электр манбаига улаш, уларнинг атроф-муҳит ва инсон соғлигига таъсири; электр энергиясини тежамли ишлатиш усуллари; кавшарлаш асосида электр монтаж ишларини бажариш иш ўрнини ташкил қилиш; кавшарлашда симлар, кавшар, флюслар турлари; кавшарлаш

асосида электр монтаж ишларини бажариш иш асбоблари ҳамда иш усуллари; электр монтаж иш асбоблари турлари ва уларда ишлаш усуллари; электр билан ишловчи содда ускуна ва жиҳозлар тайёрлаш; электротехник ҳамда электрон ускуналарни ишлаб чиқариш, ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш, асбобларни электр монтаж қилиш ва ишга туширишга тайёрлаш билан боғлиқ касб-ҳунарлар бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

Уй-рўзгор буюмларини таъмирлаш бўлими: ўқувчилар пол қопламалари ҳамда мебелларнинг лакланган ва қопламали юзаларини сақлаш тадбирлари ва кичик таъмирлаш; ойна ромларини кичик таъмирлаш ва қишда иссиқликни сақлаш усуллари; хизмат кўрсатиш соҳаларига оид касб-ҳунар турлари; пол қопламалари ҳамда мебелларнинг лакланган ва қопламали юзаларини сақлаш тадбирлари ва кичик таъмирлаш иш усуллари; юртимиз меъморчилиги тарихи, хона интерери ҳамда жиҳозланиш дизайни; соҳага оид юртимизда таркиб топган анъаналар ҳамда замонавий тараққиёт йўналишлари; хона ва фанлар бўйича ўқув хоналарида мебел ва қўшимча жиҳозларни жойлаштириш схематик тасвири ҳамда эскизларини тайёрлаш; таклиф этилган ечимлар асосида хоналарни жиҳозлаш; шаҳар ва қишлоқ уйларида сув, газ, электр энергияси ва иссиқлик таъминоти тизими ва ундан фойдаланиш қоидалари; уй ва хонадонларни таъмирлаш ишларининг асосий турлари; таъмирлашда қўлланиладиган замонавий қурилиш материаллари; уй ва хонадонларни таъмирлашда қўлланиладиган асосий иш асбоблари; сув таъминоти тизими, сув қувурлари, вентил ва жўмракларни созлашда майда таъмирлаш ишларини бажариш; қурилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ касб-ҳунарлар бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

“Сервис хизмати” йўналиши

Газламага ишлов бериш технологияси бўлими: ўқувчилар газлама турлари, хусусиятлари, уларга ишлов бериш, бичиш-тикиш асосларини ўрганадилар; кийимлар турлари, аҳамияти, тикув, йигирув асбоб-ускуналари ва машиналари, уларнинг турлари, тузилиши ва ишлаши билан танишадилар;

газламага ишлов бериш технологияси халқ хунармандчилиги тармоқлари: каштачилик, дўппидўзлик, зардўзлик, куроқчилик, попопчилик, миллий ўйинчоқлар тайёрлаш ва бошқа йўналишларининг асосларини эгаллайдилар; газламага ишлов беришга оид халқ хунармандчилиги соҳалари; газламага ишлов беришга оид касб-хунар турлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўладилар.

Пазандачилик асослари бўлими: ўқувчилар озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, ошпазлик ва қандолатчилик асослари; озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳамда таомларнинг инсон ҳаётидаги ўрни, хусусиятлари, тўйимлилиги, турлари, овқатланиш меёри ва тартиби, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, ташиш ҳамда уларга дастлабки ва асосий ишлов бериш йўлларини ўрганадилар; ошхоналарнинг жиҳозланиши; озиқ-овқат саноати, санитария-гигиена ҳамда меҳнат хавфсизлик техника қоидаларини; уй-рўзғор юритиш ва жиҳозлардан унумли фойдаланиш, оила жамғармаси ва уни сарфлаш маданиятини, озиқ-овқат ва енгил саноат соҳаларидаги кенг тарқалган касблар, уларнинг таснифлари ҳақидаги тушунчаларга ҳамда пазандачиликка оид касб-хунар турлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўладилар.

Буюмларни таъмирлаш бўлими: Турли чокидан сўкилган буюмларни таъмирлаш. Кийимларни сақлаш ва тузатиш усуллари. Истеъмолдан чиққан буюм ўлчамига қараб, болалар кийимининг андозасини тайёрлаш ва тикиш.

“Қишлоқ хўжалиги асослари” йўналиши

Қишлоқ хўжалиги асослари бўлими: Ўқувчилар қишлоқ хўжалиги соҳалари; деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари; агрономия асослари, қишлоқ хўжалигини механизатсиялаш ва мелиоратсия асослари; фермерлик ва мулкдорликнинг бошқа турлари; қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик; маҳсулотлар бозори ҳақида тушунчалар; маданий экинларнинг келиб чиқиши, тарқалиши, ўсиши ва ривожланиши; тупроқнинг тузилиши, унумдорлиги; ерга ишлов бериш ва бунда қўлланиладиган меҳнат қуроллари, машина, мосламалар ва уларнинг умумий тузилиши ҳамда

ишлаш жараёнлари, уларга қўйиладиган агротехник талаблар; ўғит турлари, ўғитлаш муддати ва унда ишлатиладиган машиналар; уруғларни тайёрлаш ва уларга ишлов бериш; уруғ ва кўчат экиш усуллари ҳамда машиналари; ғалла, дон, дуккакли, тугунакли ва илдиз-мевали экинлар; сабзавот, полиз, мева, мойли, толали ва зиравор экинлар етиштиришда ишлатиладиган меҳнат қуроллари ва машиналар мажмуаси; ёпиқ жойларда (иссиқхоналарда) экин етиштиришнинг аҳамияти, истиқболи, хусусиятлари ва уларда ишлатиладиган кичик ўлчамли машиналар; етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиш, бирламчи ишлов бериш ва сақлашга оид билимлар ва амалий кўникмалар; чорвачилик биологияси; чорва моллари, паррандачилик ва бошқалар; чорвачиликда наслчилик; озуқабоп экинлар; чорвачиликда санитария-гигиена талаблари, зоотехника, зооветеринария асослари; чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш усуллари; кишлок хўжалиги соҳалари бўйича касб-хунар турлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўладилар.

Электротехника ишлари бўлими: ўқувчилар электр монтаж ишларида иш ўрнини ташкил қилиш; электр ўтказиш симларининг турлари; электр ўтказгичларни монтаж қилиш изоляциялаш ишлари; электр асбоблари; электр ўтказиш симларини монтаж қилиш ҳамда иш асбоблари билан билан ишлаш усулларини ўрганиш; битта хонани ёритиш занжири схемасини тузиш; маиший электр асбобларини электр манбаига улаш, уларнинг атроф-муҳит ва инсон соғлигига таъсири; электр энергиясини тежамли ишлатиш усуллари; кавшарлаш асосида электр монтаж ишларини бажариш иш ўрнини ташкил қилиш; кавшарлашда симлар, кавшар, флюслар турлари; кавшарлаш асосида электр монтаж ишларини бажариш иш асбоблари ҳамда иш усуллари; электр монтаж иш асбоблари турлари ва уларда ишлаш усуллари; электр билан ишловчи содда ускуна ва жиҳозлар тайёрлаш; электротехник ҳамда электрон ускуналарни ишлаб чиқариш, ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш, асбобларни электр монтаж қилиш ва ишга туширишга тайёрлаш билан боғлиқ касб-хунарлар бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга

бўладилар.

Уй-рўзгор буюмларини таъмирлаш бўлими: ўқувчилар пол қопламалари ҳамда мебелларнинг лакланган ва қопламали юзаларини сақлаш тадбирлари ва кичик таъмирлаш; ойна ромларини кичик таъмирлаш ва қишда иссиқликни сақлаш усуллари; хизмат кўрсатиш соҳаларига оид касб-хунар турлари; пол қопламалари ҳамда мебелларнинг лакланган ва қопламали юзаларини сақлаш тадбирлари ва кичик таъмирлаш иш усуллари; юртимиз меъморчилиги тарихи, хона интерери ҳамда жиҳозланиш дизайни; соҳага оид юртимизда таркиб топган анъаналар ҳамда замонавий тараққиёт йўналишлари; хона ва фанлар бўйича ўқув хоналарида мебел ва қўшимча жиҳозларни жойлаштириш схематик тасвири ҳамда эскизларини тайёрлаш; таклиф этилган ечимлар асосида хоналарни жиҳозлаш; шаҳар ва қишлоқ уйларида сув, газ, электр энергияси ва иссиқлик таъминоти тизими ва ундан фойдаланиш қоидалари; уй ва хонадонларни таъмирлаш ишларининг асосий турлари; таъмирлашда қўлланиладиган замонавий қурилиш материаллари; уй ва хонадонларни таъмирлашда қўлланиладиган асосий иш асбоблари; сув таъминоти тизими, сув қувурлари, вентил ва жўмрақларни созлашда майда таъмирлаш ишларини бажариш; қурилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ касб-хунарлар бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

1. 8-9 синф касбий тайёргарликкача бўлган жараён мазмуни

“Технология ва дизайн” йўналиши

Ишлаб чиқариш асослари бўлими: ўқувчилар Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш турлари ва таркиби, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги; технологик жараёнлар, янги техника, илғор технологиялар; меҳнат фанига механик таъсир этиш орқали амалга ошириладиган технологик жараёнлар; ишлаб чиқаришдаги кимёвий ва физик-технологик жараёнлар; фан-техника тараққиётини жадаллаштириш омиллари ва истикболи; ишлаб чиқариш технологияси; ишлаб чиқаришни тайёрлашга оид технологик хужжатлар; маҳсулот ишлаб чиқаришни назорат қилиш, ўлчаш ва таққослаш

технологиялари; кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш йўналишлари, тартиби ва стандартлари; мулкчилик турлари, маркетинг ва менежмент фаолиятининг ривожланиши; замонавий ишлаб чиқаришнинг бозор муносабати билан узвийлиги; олинадиган даромад ва уни тақсимлаш қоидалари; меҳнатни унумли ташкил этиш, тежамкорлик ва ишбилармонлик асослари; меҳнатни илмий ташкил этиш; табиатни муҳофаза қилиш; саноат миқёсида кўп серияли ишлаб чиқариш учун тавсия этиш мумкин бўлган маҳсулот намунасини тайёрлаш.

Халқ хунармандчилиги технологиялари бўлими: ўқувчилар ёғочга ва металлларга ишлов бериш жараёнлари билан уйғунлаштирилган халқ хунармандчилиги технологиялари; хунармандларнинг бозор муносабатлари асосидаги фаолиятлари, уюшмалари ва унинг истикболлари; хунармандчилик бўйича кўرғазма ва танловларни ташкил қилиш ва иштирокчиларни танлаш қоидалари; хунармандлари томонидан экспорт ва ички бозор учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар; халқ хунармандчилигида фойдаланилаётган нодир материаллар, асбоб-ускуналар; хунармандчилик маҳсулотларини ташқи шакли узвийлиги ва яхлитлиги таъминланишига кўра баҳолаш; композитсион яхлитлик; халқ хунармандчилигига оид танланган битта касб-хунар турлар; халқ хунармандчилигининг танланган йўналиши бўйича замонавий дизайн талаблари билан уйғунлаштирилган маҳсулот тайёрлаш иш усуллари; замонавий дизайн талаблари билан уйғунлаштирилган халқ хунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш иш усулларига оид билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

Касбга йўналтириш асослари бўлими: ўқувчилар касблар таснифи, касбларда меҳнат турларининг таърифи; қўл меҳнатида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган касблар; касб-хунар эгаллашда инсон саломатлигига кўйиладиган талаблар; Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг йўналишлари, уларнинг бир-биридан фарқини билиш. Ўқувчи-ёшларни касб-хунарга йўналтириш тизими; касб танлашга доир режа тузиш; касб танлашдаги хатолар, қийинчиликларнинг

асосий хусусиятлари; касб танлашда шахс қизиқиш ва мойилликлари, қобилиятларини эътиборга олиш; касб танлашда онглилик ва мустақиллик; ўз-ўзини тарбиялаш, касб танлашнинг моҳияти; касбларнинг мураккаблик омилларини таҳлил қилиш; ўзи хоҳлаган касбга яроқли эканлигини аниқлаш, ўз руҳиятидаги касбга мойилликни тарбиялаш усуллари; касб эгаллаш ва ишга жойлашишга доир шахсий режа ишлаб чиқиш бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

“Сервис хизмати” йўналиши

Ишлаб чиқариш асослари бўлими: ўқувчилар Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш турлари ва таркиби, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги; технологик жараёнлар, янги техника, илғор технологиялар; меҳнат фанига механик таъсир этиш орқали амалга ошириладиган технологик жараёнлар; ишлаб чиқаришдаги кимёвий ва физик-технологик жараёнлар; фан-техника тараққиётини жадаллаштириш омиллари ва истикболи; ишлаб чиқариш технологияси; ишлаб чиқаришни тайёрлашга оид технологик хужжатлар; маҳсулот ишлаб чиқаришни назорат қилиш, ўлчаш ва таққослаш технологиялари; кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш йўналишлари, тартиби ва стандартлари; мулкчилик турлари, маркетинг ва менежмент фаолиятининг ривожланиши; замонавий ишлаб чиқаришнинг бозор муносабати билан узвийлиги; олинадиган даромад ва уни тақсимлаш қоидалари; меҳнатни унумли ташкил этиш, тежамкорлик ва ишбилармонлик асослари; меҳнатни илмий ташкил этиш; табиатни муҳофаза қилиш; саноат миқёсида кўп серияли ишлаб чиқариш учун тавсия этиш мумкин бўлган маҳсулот намунасини тайёрлаш.

Халқ хунармандчилиги технологиялари бўлими: ўқувчилар пазандачилик ва газламага ишлов бериш жараёнлари билан уйғунлаштирилган халқ хунармандчилиги технологиялари; хунармандларнинг бозор муносабатлари асосидаги фаолиятлари, уюшмалари ва унинг истикболлари; хунармандчилик бўйича кўрғазма ва танловларни ташкил қилиш ва

иштирокчиларни танлаш қоидалари; хунармандлари томонидан экспорт ва ички бозор учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар; халқ хунармандчилигида фойдаланилаётган нодир материаллар, асбоб-ускуналар; хунармандчилик маҳсулотларини ташқи шакли узвийлиги ва яхлитлиги таъминланишига кўра баҳолаш; композитсион яхлитлик; халқ хунармандчилигига оид танланган битта касб-хунар турлар; халқ хунармандчилигининг танланган йўналиши бўйича замонавий дизайн талаблари билан уйғунлаштирилган маҳсулот тайёрлаш иш усуллари; замонавий дизайн талаблари билан уйғунлаштирилган халқ хунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш иш усуллари оид билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

Касбга йўналтириш асослари бўлими: ўқувчилар касблар таснифи, касбларда меҳнат турларининг таърифи; кўл меҳнатидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган касблар; касб-хунар эгаллашда инсон саломатлигига кўйиладиган талаблар; Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг йўналишлари, уларнинг бир-биридан фарқини билиш. Ўқувчи-ёшларни касб-хунарга йўналтириш тизими; касб танлашга доир режа тузиш; касб танлашдаги хатолар, қийинчиликларнинг асосий хусусиятлари; касб танлашда шахс қизиқиш ва мойилликлари, қобилиятларини эътиборга олиш; касб танлашда онглилик ва мустақиллик; ўз-ўзини тарбиялаш, касб танлашнинг моҳияти; касбларнинг мураккаблик омилларини таҳлил қилиш; ўзи хоҳлаган касбга яроқли эканлигини аниқлаш, ўз руҳиятидаги касбга мойилликни тарбиялаш усуллари; касб эгаллаш ва ишга жойлашишга доир шахсий режа ишлаб чиқиш бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

“Қишлоқ хўжалик асослари” йўналиши

Ишлаб чиқариш асослари бўлими: Ўзбекистон халқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш турлари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида моддий ишлаб чиқариш асослари ва унинг таркиби, ўзаро муносабати, бир-бирига боғлиқлиги. Деҳқончилик ва чорвачилик соҳасидаги бозор муносабатларига асосланган

фаолият турлари ва уларнинг истиқболлари. Технологик жараён ҳақида асосий тушунча. Янги техника ва илғор технология, унинг ифодаланилиши. Агротехника, механизатсия, ярим автоматлар ва ҳ.к. орқали амалга ошириладиган технологик жараёнлар. Ишлаб чиқаришда амалга ошириладиган кимёвий ва физик-технологик жараёнлар. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш омиллари ва истиқболи. Экин етиштириладиган иссиқхоналар тузилиши, уларда етиштириладиган экин турлари. Иссиқхоналарда экин етиштириш технологияси. Дехқончилик ва чорвачилик бўйича кўргазма ва танловларни ташкил қилиш ва иштирокчиларни танлаш қоидалари. Кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш йўналишлари, тартиби ва стандартлари. Мулкчилик турлари, маркетинг ва менежмент фаолиятининг ривожланиши.

Замонавий ишлаб чиқаришнинг бозор муносабати билан узвийлиги. Қишлоқ хўжалик асослари йўналишида ишлаб чиқариш технологияси ва унинг моҳияти. Дехқончилик ва чорвачилик йўналишлари бўйича экспорт ва ички бозор учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг интенсив ва экстенсив йўналишлари. Маҳсулот ишлаб чиқаришни назорат қилиш, ўлчаш ва таққослаш технологияси. Олинадиган даромад ва уни тақсимлаш қоидалари. Ишлаб чиқариш корхонасида меҳнатни унумли ташкил этиш, тежамкорлик ва ишбилармонлик асослари. Меҳнатни илмий ташкил этиш. Табиат муҳофазаси қилиш ва ишлаб чиқариш. Дехқончилик ва чорвачилик йўналишларига оид танланган битта касб-ҳунар турини тавсифлаш.

Касбга йўналтириш асослари бўлими: ўқувчилар касблар таснифи, касбларда меҳнат турларининг таърифи; қўл меҳнатида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган касблар; касб-ҳунар эгаллашда инсон саломатлигига кўйиладиган талаблар; Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг йўналишлари, уларнинг бир-биридан фарқини билиш. Ўқувчи-ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш тизими; касб танлашга доир режа тузиш; касб танлашдаги хатолар, қийинчиликларнинг

асосий хусусиятлари; касб танлашда шахс қизиқиш ва мойилликлари, қобилиятларини эътиборга олиш; касб танлашда онглилик ва мустақиллик; ўз-ўзини тарбиялаш, касб танлашнинг моҳияти; касбларнинг мураккаблик омилларини таҳлил қилиш; ўзи хоҳлаган касбга яроқли эканлигини аниқлаш, ўз руҳиятидаги касбга мойилликни тарбиялаш усуллари; касб эгаллаш ва ишга жойлашишга доир шахсий режа ишлаб чиқиш бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

8-9 синф ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш асослари. Меҳнат таълимининг давоми 8-9 синфларда “Ишлаб чиқариш асослари, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш” махсус курслар негизида ташкил этилади. Мазкур курсларнинг ҳар бирига ҳафтасига бир соатдан вақт ажратилган ва уларнинг дастуридаги мазмунида қуйидагилар эътиборга олинган:

- ишчи-мутахассисликларнинг касбий фаолиятида қўлланиладиган турли хил асбоб-ускуналар, жиҳозлар мосламалар фойдаланишни ўргатиш;

- механизатсиялаштирилган ва электрлаштирилган воситалар билан ишлашни ўргатиш;

- технологик билим ва малакаларни, меҳнат қонунчилиги, хавфсизлик техникаси, санитария-гигиена қоидалари асосларини ўргатиш;

- 5-7 синфлардаги ўзлаштирган материаллар билан узвий боғланган турли ишлаб чиқариш соҳалари мазмунига тааллуқли дастлабки маълумотларни ўргатиш;

- ўлчаш-текшириш асбобларидан, тўпланган маълумотлардан фойдалана олиш, меҳнат топшириқларини бажариш, олинган натижаларни қўйилган талаблар билан таққослаш орқали хулоса чиқариш, ўқувчиларни танланган аниқ касб малакасига ўргатиш;

- ўқувчиларни билимга интилиши ва меҳнатга муҳаббат, меҳнат кишисига нисбатан ҳурмат ҳиссини сингдириш, уларни жамоатчилик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашни ўқувчилар танланган аниқ касб малакасида ўргатиш;

- ўқувчиларга бозор иқтисодиёти қонуниятлари, талаблари асосида сифатли, рақобатбардош истеъмол моллари, меҳнат маҳсулотлари етиштириш ва етиштирилган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш воситаларини ўргатиш, иш бошқарувчи (менежерлик) унсурларини, хомийлик, ишбилармонлик сифатларини шакллантириб бориш ва ривожлантиришни ўқувчилар танланган аниқ касб малакасида ўргатиш;

- халқ ҳунармандчилиги касбларини ўргатиш орқали халқ миллий руҳини, яшаш тарзини, анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш. Миллий кадриятлар, тарихий ёдгорликлар, халқ усулларининг бой меросини ўргатиш ва улардан ўз амалий фаолиятларида фойдаланиш кўникмаларини мустаҳкамлашни, ўқувчилар танланган аниқ касб малакасида ўргатиш;

Шунда меҳнат таълими ва касбга тайёрлаш жараёнларида ахборот технологиялари ва компьютер техникаси, янги технология ва жиҳозларнинг қўлланилиш соҳаларини замонавий талаблар даражасида ва жаҳон тажрибаларига мос ҳолда ўрганишларини таъминлаш юзасидан ўқувчиларда танланган касб буйича меҳр шаклланади.

8-9 синфлардаги меҳнат таълими ДТСни ва давлат дастурини мукамал таҳлил этилса, уни мазмунидан умумий: иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, ижтимоий, маънавий, маърифий, маданий фалсафий ва инсониятнинг бошқа масалаларига хос тушунчалар ҳосил этилади.

Юқори синф ўқувчилари ишлаб чиқариш асослари ҳамда ундаги тармоқлар, корхоналар, касблар ва уларни танлаш қоидалари, тамойиллари ҳамда бошқа маълумотларга эга бўлишлари учун, улар олимлар, мутахасислар, педагоглар, методистлар томонидан ишлаб чиқилган фундаментал асосларни ҳар томонлама ўрганишлари лозим. Шунда ўқувчиларга маълум бўладикки, олимлар халқ хўжалиги соҳа ва тармоқларида мавжуд касбларни улар беш тизимларга бўлганлар. Улар қуйидагича:

1. Одам-техника тизими.
2. Одам-табиат тизими
3. Одам-одам тизими

4. Одам-рақамлар тизими
5. Одам-бадий образ тизими

I. Одам-техникадаги тизимда - одамларни танлаган касблари техника билан чамбарчас боғланганлигидан дарак беради: токар, хайдовчи, ўқувчи ва ҳоказо.

II. Одам-табиат тизимидаги касблар табиат билан боғлиқлиги равшан бўлади: агроном, боғбон, эколог ва ҳоказо.

III. Одам-одам тизимидаги касблар: боғча тарбиячиси, ўқувчи мураббий ва ҳоказо.

IV. Одам-рақамлар билан боғланган касблар: бухгалтер, компютерчи, ҳисобчи, солиқ ходими ва ҳоказо.

V. Одам-бадий образдаги касблар: артист, режиссор, ёзувчи, драматург ва ҳоказо.

Бу борада таъкидлаш зарурки, юқори синф ўқувчилари касб танлашда бошқа касб танлаш омиллари орқали ўзларига қизиққан касбларни танлашлари мумкин. Улар қуйидагича:

1. Китобни тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва харидорларга тарқатиш билан шуғулланадиган касб эгалари: ёзувчи драматург, муҳаррир, корректор, рақам терувчи, сотувчи ва бошқа касб эгалари.

2. Театр, уни тайёрлаш, кўрсатиш билан шуғулланадиган бошқа касб эгалари: ёзувчи, драматург, режиссер, артист, сахнани жиҳозловчи ва бошқа касб эгалари.

3. Кино, уни тайёрлаш, кўрсатиш билан банд бўладиган касб эгалари: ёзувчи, режиссёр, артист, каскадёр, мантажчи ва бошқа касб эгалари.

4. Ҳарбий, ички ишларни муҳофаза этувчи органлар ва бошқа қайд этилмаган соҳалар, тармоқлар, идораларда фаол этаётган касб-мутахасислик эгалари тўғрисида олиб бориладиган касб танлаш ишлари меҳнат таълими билан бевосита боғланмаган бўлса ҳам, 8-9 синф ўқувчилар билан мазкур касблар юзасидан тарбиявий - касбга йўналтирувчи тадбирлар (учрашувлар,

сухбатлар, экскурсиялар ва бошқа ишлар) олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Ундан ташқари 8-9 синф ўқувчилар билан меҳнат ва касб тушунчалари юзасидан олиб бориладиган ишларни режалаш ва ташкил этишда куйидаги материаллардан унумли фойдаланиш лозим.

Маълумки, инсоният қанчалик қадимий бўлса унинг анъаналари, кадриятлари ва маънавий мерослари ҳам шунчалик қадимийдир. Булар эса халқнинг илдизи, унинг тарихи, миллатнинг қиёфасидир. Бунинг бунёдкори, ижодкори, сақловчиси ва ёқловчиси, тарихий тараққиётнинг ҳал қилувчи кучи - халқ оммасидир. Унда таълимнинг ва тарбиянинг чеки йўқ, у “чексиздир”. Бу кучнинг ўрнини, ҳеч бир омил боса олмайди. Ундан ақл-идрок билан жамият манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш жамоат ташкилотларининг муҳим бурчи ҳисобланади.

Ёшларнинг касб-ҳунар эгаллашларига кўмаклашиш, уларни бутун чорвачилик, саноат, қишлоқ хўжалиги билан хўжалик ва маданий қурилиш ишларига жалб қилиш ҳар томонлама камол топган шахсни тарбиялашнинг муҳим шarti эканлигини унутмаслигимиз зарурдир. Кўпчилик ёшларимиз “касб-ҳунар” тушунчаларида кўп адашадилар. Аммо бу тушунчалар бир-биридан қисман бўлсада фарқланади.

“Касб” сўзи “тирикчилик” “яшаш” воситаси бўлган иш ёки эгаллаш, ўрганиш маъносида берилса, “ҳунар” сўзи эса, ўрганиб малака, кўникма ҳосил қилинадиган иш ва уни бажариш қобилияти ёки санъат ва маҳорат маъносида ишлатилади.

Шундай мутахассислар борки, улар халқимизда севиб ардоқланиб келинаётган усталарни тайёрлайдики, шўро даврда узоқ йиллар давомида ана шундай усталар меҳнати эътибордан четда қолди. Ҳозирги вақтда эса устанинг қадрини тиклаш пайти келди.

Касб-ҳунар коллежларда замон талабларига жавоб берадиган ўқув тарбия ишларини ташкил қилиш янгича педагогик тафаккурнинг “меvasи” бўлиши зарур. Шу маънода коллеж ўқувчиларининг шахсий фазилатлари,

касбий билимлари, ижодкорлиги ва маҳорати кўп жиҳатлардан ишлаб чиқариш таълими жараёнининг қай даражада ташкил қилинишига боғлиқ.

Касб-хунар коллежларида қуйидаги касбий фаолият соҳалари бўйича ишлаб чиқариш таълими амалга оширилади: саноат (машанасозлик, энергетика, самолётсозлик, автомобилсозлик, металлургия, геологик ва фойдали қазилмаларни ишлаб чиқиш, кимё саноати, енгил саноат, полиграфия ишлаб чиқариши, озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чиқариш), транспорт, алоқа қурилиши, уй-жой коммунал хўжалиги, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, соғлиқни сақлаш, маориф, маданият ва санъат, ижтимоий ва иқтисодий соҳа, савдо, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш ва бошқалардир.

Ўз навбатида, улардаги ҳар бир касбий фаолият соҳаси бир канча ихтисосликларни камраб олади. Масалан, “Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги” касбий фаолият соҳасида камида 20 хил касб бўлиб, уларнинг ҳар бири бир неча ихтисосликларни ўз ичига олади.

Назорат саволлари

1. Меҳнат таълимининг қандай мақсад ва вазифалари бор?
2. 5-7 синфларда “Технология ва дизайн” йўналиши бўйича қандай меҳнат тайёргарлиги кўрилади?
3. 5-7 синфларда “Сервис хизмати” йўналиши бўйича қандай меҳнат тайёргарлиги кўрилади?
4. 5-7 синфларда “Қишлоқ хўжалиги асослари” йўналиши бўйича қандай меҳнат тайёргарлиги кўрилади?
5. 8-9синф йўналишлар бўйича касбий тайёргарликкача бўлган тайёргарлик мазмунини изоҳланг.
6. 8-9 синф ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш ишлари қандай амалга оширилади?
7. Халқ хўжалиги соҳа ва тармоқларида мавжуд касблар нечта тизимга бўлинади?

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
2. Ишмухамедов Р, Абдуқодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъдод”, 2008. – 180 б.
3. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б
4. Нишоналиев У.Н., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С.. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007.

6–мавзу Меҳнат таълими ўқув хоналари ва уларнинг моддий техник базасига қўйиладиган замонавий талаблар.

Режа:

1. Ўқув устахонасида меҳнатни илмий ташкил этиш
2. Устахонада ўқитувчининг иш ўрнини ташкил этиш
3. Устахонада ўқувчининг иш ўрнини ташкил этиш
4. Ўқув устахонасида санитария-гигиена қоидалари ва техника хавфсизлиги талаблари

Таянч иборалар: Меҳнатни илмий ташкил этиш, иш ўрнини ташкил этиш, санитария-гигиена қоидалари, техника хавфсизлиги талаблари.

1. Ўқув устахонасида меҳнатни илмий ташкил этиш. Ўқув устахоналари биносига ва асбоб ускуналарни жойлаштиришга оид талаблар, қўшимча мактабларнинг янги мазмунда таълим беришга ўтиши фақат таълим даражасини ва сифатини оширишнигина эмас, балки умуман мактабларнинг ва ўқув устахоналарининг меҳнат ва касб таълим учун моддий-техника базасини тубдан яхшилашни объектив равишда зарурат қилиб қўйди.

Педагоглар меҳнатини илмий асосда ташкил этиш деганда ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларида ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан оз вақт, куч ва маблағ сарфланган ҳолда энг юқори натижаларни қўлга киритиш учун таълим жараёнига тадбиқ қилинадиган ва илмий жиҳатдан асосланган ташкилий методик тадбирлар мажмуасини тушуниш керак.

Ўқув устахоналаридаги машғулотларга татбиқ қилинганда педагоглар меҳнатини илмий асосда ташкил этишда қуйидаги тадбирларни бажариш назарда тутилади: Санитария-гигиена ва ўқув педагогика талабларига тўла жавоб берадиган ўқув устахоналари ва хизмат кўрсатувчи меҳнат хоналарини ташкил этиш.

Барча режалаштирувчи ҳужжатлар (тақвимий мавзули режалар, ўқув ишлаб чиқариш ишлари рўйхати ва х.) аниқ ишлаб чиқилиши, меҳнат таълими дастурига тўла-тўқис жавоб бериши, танлаб олинган иш турлари эса

муайян дидактик изчилликда мураккаблик даражасига қараб жойлаштирилиши ва уларни ўқувчилар тайёрлаш учун асосланган вақт хажми белгиланган бўлиши керак. Ўқув ишлаб чиқариш ишларининг рўйхатларининг ҳам ўқувчиларни ҳам иш жойларига алмашлаб қўйиш жадваллари ҳам яхшилаб безатилган ва ўқувчилар кўрадиган қилиб осиб қўйилиши керак. Шу ернинг ўзида оддий ва санитария кунларидаги навбатчиларнинг жадвали ва мунтазам бажариладиган ишларнинг рўйхати осиб қўйилади.

Ўқув устахоналаридаги машғулотлар вақтида ўқитувчи дарслар орасида танаффус бериши, ўқувчиларга устахонани яхшилаб шамоллатиш ва меҳнат фаолиятини давом эттириш учун устахонадан чиқиб туришларини таклиф қилади. Ўқув устахоналаридаги асбоб-ускуналар ва инвентарларнинг сақланиши учун уларнинг ҳар бирига бир ўқувчи бириктирилиб қўйилади. У ана шу асбобларнинг яхши сақланиши ва қасддан узилмаслиги учун ўқитувчи жамоа олдида жавоб беради. Яхши ташкил этилган ўқув устахонаси навбатдаги машғулотга тайёргарлик кўриш учун унчалик кўп вақт талаб қилмайди. Меҳнат таълими ўқитувчиси учун бу нарса жуда муҳимдир, чунки унинг вақти тиғиз бўлади.

Шу сабабли педагоглар меҳнатини илмий асосда ташкил этиш нуқтаи назардан ўқув устахоналарида машғулотларнинг тўғри ташкил этилиши меҳнат ва касб таълими ўқитувчиси учун ўқув вақтидан анчагина тежаб қолиш имконини беради.

Ўқув ва шахсий вақтни тежашда меҳнат таълими ўқитувчисининг шахсий кутубхоначада зарур қўлланмалар, ўқув дарсликлари, илмий-методик адабиёт махсус ва сўровнома адабиёти: газета ва журналлар, дастурнинг маълум мавзулари бўйича газета ва журналларидан қирқиб олинган мақолалар солинган папкалар мавжуд бўлади.

Навбатдаги машғулотга тайёрланишда айрим фактлар, фикрлар, мисоллар, қоидалар, зарур китобларнинг қисқа аннотатсиялари ёзиб қўйиладиган карточкалар катта фойда беради. Бундай карточкалар кун сайин

тузиб борилади. Улар дастур мавзулари бўйича хилларга ажратилади, картотекаларга муайян тартибда жойлаштирилади, меҳнат бўйича навбатдаги машғулотларга тайёрланишда яхши дидактик материал бўлиб хизмат қилади, энг муҳими эса тайёргарлик кўришда вақтни тежайди.

Кўрсатма қуроллари учун мўлжалланган яшиқда плакатлар, схемалар, жадваллар чизмалар намунали тартибда ва системада сақланиш керак.

Ўқув устахоналаридаги машғулотларнинг ўзига хос хусусияти ўқувчилардан ҳам, шунингдек уста, ўқитувчидан ҳам назорат-ўлчов операцияларини бажариш ва меҳнат усулларини кўрсатиш вақтида диққат билан назар ташлашни талаб қилади.

Бу жиҳатдан тўғри бурчакли шаклдаги устахоналар бир қанча жиддий камчиликларга эгадир: асбоб-ускуналар (дастгоҳлар)нинг 7-8 қатор қилиб кетма-кет жойлаштирилиши (дастгоҳларнинг сўнги қатори билан ўқитувчининг иш жойи ўртасидаги оралиқ тахминан 10-11 метрни ташкил қилади) эшитишни, айниқса ўқитувчининг тушунтираётган ва кўрсатаётган меҳнат усулларини кўришни қийинлаштиради, устахона деворлари бир томонлама ёритилиши натижасида ёруғликни суст қайтариши, қуёш нурларининг тўғри тушуш соатларида кўзни қамаштирувчи ёритиш зонасининг ҳаддан ташқари катталиги (50дан ортиқ) кўзнинг тез чарчаб қолишига ва шу туфайли хатоларнинг кўпайишига олиб келади, бир томонлама ёритиш натижасида доскага доимий ёритиш шуълаларининг тушиб туриши унда ёзилган нарсаларнинг ён томондан кўринишини айниқса қийинлаштиради ва ниҳоят хонада тўғри бурчакларнинг мавжудлиги тоза ҳаво оқимиинг келишини тугатиб қўяди, натижада унинг интенсив алмашилиб туриши кескин камаяди.

Асбоб-ускуналар, дастгоҳларнинг уч, тўрт қаторли жойлашуви (уларнинг охириги қатори 5,5-7,0 м узокликда бўлади) ўқитувчининг ўқувчилар бажараётган меҳнат ҳаракатларини кузатишга, бинобарин, улар йўл қўядиган камчиликларни тузатиш учун шошилинич чоралар кўришга ҳам имкон беради.

Бундай устахона ва кабинетнинг майдони (80-90 м² га яқин) 25-30 ускуна бирлигини сиғдирибгина олмасдан, шу билан бирга бу ерда ўқитувчининг дастгоҳи (станок ёки тикув машинаси), стол ва стул билан жиҳозланган бўлиши керак. У камида 20 ўқувчидан иборат гуруҳга мўлжалланади. Бу устахоналарда фақат слесерлик ва дурадгорлик ишларини муваффақиятли эгаллаш учун шарт-шароит яратилиб қолмасдан, балки дастурнинг материалларига механик ишлов бериш ва электротехника ишлари мавзуларини ўтиш учун ҳам зарур шарт-шароитлар яратилган бўлади. Хилма-хил марказдаги механик асбоб-ускуналарнинг ва моделларнинг миқдори ҳар бир устахонада 19 тага етади.

Хизмат кўрсатиш меҳнати кабинети ўқув дастурини муваффақиятли ўтиш учун барча зарур нарсаларга эга бўлади. Ўқув устахоналари учун барча зарур нарсаларга эга бўлади. Ўқув устахоналари учун характерли бўлган асбоб-ускуналар билан бир қаторда кабинетда оёқ билан ишлайдиган 4 та тикув машинаси бўлади.

Катталиги 3,5 x 1,4 м ли катта ёйиқ стол (унда “Пазандалик” бўлимини ўтиш вақтида стол тузатиш учун фойдаланиш мумкин), манекен, учта дазмол тахтаси, шунча электр дазмол, трюмо, кўрсатиш тахтаси, кийим турадиган жой ҳам бўлади.

Кабинетга шифоньер, кир ювиш машинаси, пилесос, пол ювиш мосламаси, тасвирий санъат асарлари ва хилма-хил гуллар қўйилади.

Ниҳоят, уч ёки тўрт камфоркали газ плитаси, уларнинг ҳар бири ёнида заготовка столлари ва совуқ ҳамда иссиқ сув келадиган кранларга эга бўлган раковиналар, холодильник, идишлар учун шкаф, ошхона инвентарлари мавжуд бўлади.

Ҳар учала ўқув хоналари бир-бири билан кенг, ёруғ ва яхши жиҳозланган вестибюл билан бирлаштирилган, бу ерда журналлар қўйиладиган столчалар, ўқувчиларнинг дам олиш учун қулай бўлган ўриндиқлар бўлиши керак.

Устахоналар ва кабинетда ўқувчилар иш ўрнининг табиий ёритилиши икки ёки, ҳатто уч томонлама бўлади. Деразаларнинг катта кўзларидан ўтиб турадиган қуёш нурлари хоналарга турли бурчаклар остида тушади, ички деворларнинг йўналиши ҳар хил бўлганлиги сабабли улар акс этади ва тарқалади, хонанинг ҳамма қисмини яхши ёритади. Бу эса ўлчовлар вақтида хатоларнинг камроқ бўлишига имкон беради.

Бундай устахоналарнинг ҳар томонлама ёритилганлиги куннинг ҳар қандай вақтида доскасининг яхши кўринишининг таъминлайди, ундаги шуълалар камади ва ёнларидаги буюмларнинг сояси тушмайди. Қуёш нурларининг тўғри йўналиши натижасида бу хоналарда тўғри бурчак шаклидаги хоналарга нисбатан қуёш нурининг кўзни қамаштириши кескин қисқаради.

Беш бурчакли устахона биносида соф ҳаво оқимининг етарли даражада алмашилиб туриши таъминланади, яхши тушиб турадиган табиий ёруғлик бу хоналарни шинам қилади, бу эса кайфиятга яхши таъсир кўрсатади, қулай меҳнат шароитини вужудга келтиради. Бундай типдаги таълим бўлинмалари меҳнат таълимнинг психофизиологик ва санитария-гигиена талабларига, шунингдек меҳнат таълими ўқитиш методикаси (меҳнат илмий асосида ташкил) ўқувчиларига тўла-тўқис жавоб беради. Ўқувчиларнинг иш ўрнини тўғри ташкил этиш меҳнатни осонлаштиришининг, унинг унумдорлигини оширишининг, буюмлар сифатини яхшилашининг ва юксак меҳнат маданияти кўникмаларининг сингдиришининг асосий талаблар қуйдагилардир: иш ўрни ўқувчининг бўйига мувофиқ келиши, мустаҳкам ва етарли даражада барқарор бўлиши, зарур ва яхши ишлайдиган, шу билан бирга ишда қулайлик туғдирадиган асбоблар билан таъминланган (қўлга ва ўқувчиларнинг жисмоний кучига мувофиқлаштирилган), шунингдек фойдаланиши учун қулай тартибда жойлашган бўлиши керак.

2. Устахонада ўқитувчининг иш ўрнини ташкил этиш. Меҳнат ўқитувчисининг иш жойи иш столи, кўргазма қуролларини сақлаш учун жавонлар, намойиш қурилмалари, синф тахтаси, техника воситалари билан

жиҳозланган ўқув-методик қўлланма, адабиётлар, ўқув кўргазма қуроллари, асбоб ва мосламалар билан жиҳозланади.

Ўқув устахоналаридаги асбоб-ускуналар (дастгоҳлар, станоклар, машиналар, столлар ва бошқа буюмлар) шундай тартибда ва ўқитувчининг иш жойидан шундай узоқликда жойлашиши керакки, ўқувчиларнинг иш вақти ўз гавдаларини тўғри тутишлари учун шарт-шароитлар яратилиши, ўқувчиларнинг гаплари ва ўқувчиларнинг жавоблари яхши эшитилиши керак. Устахонадаги дастгоҳларни миқдори озроқ бўлиши, лекин шу билан бирга ўқувчиларнинг меҳнат таълими дастурларида у ёки бу мавзуга ажратилган вақт ҳажмида оралиқ график асосида тўхтовсиз ишлашини таъминлаши зарур.

Барча эҳтиёт асбоблар ва мослама асбоблар турадиган хоналарда шундай тартибда сақланиши керакки, улардан ҳар бирини топиш учун ўқитувчи жуда оз вақт сарфласин. Масалан, парма, ўлчов асбоблари, планкалар тегишли ўлчовлар ёзиб қўйилган қутичада жойлашган бўлиши, анча оғирроқ мосламалар пастки жавонларда, бирмунча енгиллари юқорида туриши керак. Омборхонада барча материаллар ва ишга яроқли чиқиндилар маркалари, сортлари, ўлчовлари ва турларига қараб ажратилиши ва шундай жойлашиши керакки, улар олдида бориладиган йўл қулай ҳамда тўсиқсиз бўлсин.

Кўргазма қуроллари (плакатлар, схемалар, жадваллар, макетлар, мавзуй кўрсатмали шитлар, буюмларнинг намуналари) сақлаш учун ёзилган ва тартиб номери қўйилган тегишли яшиқлар ва тортмалар бўлиши лозим, бу ҳолда ўқувчиларга истаган вақтда оз вақт сарфлаб керак қўлланмани топа олишига имкон беради.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг иш жойида меҳнат усулларини кўрсатмали қуролларини, шунингдек, ўқув филмларини намойиш қилиш учун барча шароитлар яратилиши керак.

3. Устахонада ўқувчининг иш ўрнини ташкил этиш. Иш ўрни деганда устахонанинг бир ўқувчи томонидан ўқув ишлаб чиқариш ишларини

бажариш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар (дастгоҳ, станок) ва мосламалар мақсадга мувофиқ жойлашган майдончаси тушунилади. Иш ўрнини ўқувчи иш вақтида ўз гавдасини анча қулай тутиб турадиган, ортиқча ҳаракатлар қилмайдиган даражада ташкил этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Айниқса, тискилар ўқувчининг бўйига қараб тўғри баландликда ўрнатилиши катта аҳамиятга эга. Бу талабларнинг бузилиши иш натижаларининг камайишига, тўғри меҳнат малакаларининг суст таркиб топишга, баъзан эса касб касалликларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Ўқувчининг иш жойларида мавжуд бўлган иш ва назорат ўлчов асбобларининг миқдори ва хиллари етарли ҳолда бўлиши керак. Масалан, педагоглар меҳнатини илмий асосда ташкил этиш нуқтаи назаридан ранда тахтани узунасига тиладиган ёйсимон арра, искана, метал қирқадиган дастарра ва қайчи ёки назорат ўлчов асбоблари-штангенциркуллари, микрометрлар, 90-ли гўниялар ва бошқа шу каби асбоблар ҳар бир ўқувчининг иш жойида доимо туришига нозарурият ҳисобланади. Гап шундаки, иш вақтида улардан фойдаланиш коеффитсийенти жуда паст бўладики, шунинг учун бу асбоблардан бир ўқувчи эмас, балки бир вақтнинг ўзида 2-3 ўқувчи фойдаланиши керак. Шу муносабат билан ўқувчининг иш жойини ташкил этишга ҳам янги талаблар қўйилади. Барча шахсий асбоблар вазифасига қараб ишлаётган ўқувчига яқин жойда дастгоҳ устида туриши керак. Кўпчилик фойдаланадиган асбоблар ишлаётган ўқувчиларнинг иш жойларида барабар узоқликка қўйилиши керак.

Дастгоҳлар турли ишлаш операцияларини муваффақиятли бажаришга имкон берадиган ва мустаҳкам жойлаштирилган иш конструкцияларидан иборат бўлиши керак. Масалан, бир ўринли слесарлик дастгоҳи 800-850мм (дурадгорлик дастгоҳи 750-780 мм) баландликда ўрнатилиши ва у ёғочдан ёки металлдан тайёрланиши лозим. Дастгоҳ ўрнатиладиган стол тахтадан ишланади, устига қалинлиги 1,5-2,0 мм қалинликда пўлат тунука қопланади ва периметри бўйича 25x 25 мм ли бурчак қилиб қопланади, дастгоҳ қулай ўриндиққа эга бўлиши, ундан ўқувчи инстуктажлар ва дам олиши вақтида

фойдаланиши, ёзувлар, эскизлар тузиш учун эса ундан сурилувчи планшет ҳам бўлиши зарур. Дастгоҳ столида айланувчи қурилмага эга бўлган паралел слесарлик тискилари мустаҳкамланган бўлиши зарур. Иш ва контрол ўлчов асбоблари дастгоҳнинг аниқ жойида туриши лозим. Иш вақтида ўнг қўл билан олинадиган асбоблар (болға, эгов, дастарра, металл қирқадиган қайчи ва ҳокозолар) тискиларнинг ўнг томонида муйян тартибда жойлашиши керак. Улардан чап қўл билан олинадиганлари чап томонда туради. Контрол ўлчов асбоблари дастгоҳ столининг олди томонида, ўнг томонга яқин жойда туради. Иш ўрнидаги ана шундай тартиб ўқувчининг бутун иш вақти давомида сақланиши керак. Ўқитувчи, уста ўқувчилардан иш ўрнини ташкил этиш қоидалариги амал қилишини доимо талаб қилиб туриши керак. Иш асбоблари, айниқса назорат ўлчов асбоби иш ўрнига ўйиб қўйилиши мумкин эмас, бундай ҳолларда улардан фойдаланиш қийин бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга нотўғри фойдаланиш ва сақлаш орқасида у тезда ишдан чиқади. Ўқувчиларга иш ўрнини тўғри ташкил этиш одатини сингдириш учун ўқитувчи, уста уларнинг бажарган ишларига баҳо қўйиш вақтида ўқувчининг бутун машғулот давомида иш ўрнини қандай тутганлигини ҳам ҳисобга олиш керак.

Дастгоҳлар конструкциялари соловчи қурилмага эга бўлиши, улар ёрдамида дастгоҳларни ўқувчиларнинг бўйига қараб мослаш, шунингдек дам олиш учун қулай айлануви ўриндиқлари, ёзиш ва график ишлари учун сурилувчи планшетлар билан таъминланиши керак. Хавфсизлик техникаси бўйича муҳофаза турлари дастгоҳга маҳкамланиши ва зарур бўлганда дастгоҳ столга олиб қўйилиши керак.

4. Ўқув устахонасида санитария-гигиена қоидалари ва техника хавфсизлиги талаблари. Меҳнат таълимининг моддий базасини тубдан яхшилаш учун барча шарт-шароитларни инобатга олиш зарур.

Ўқув устахоналари қуйидаги асосий санитария-гигиена ва хавфсизлик талабларга жавоб бериши лозим:

1. Устахоналар учун мўлжалланган бино ўқув-педагогика, санитария-

гигиена ва ишлаб чиқариш, техник талабларини қондириши керак.

2. Ўқув устахоналарининг жиҳозланиши техниканинг ҳозирги даражасига, юксак касб маданиятига мувофиқ келиши ҳамда уларга меҳнат таълими дастурининг барча мавзуларини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратилган бўлиши лозим.

3. Ўқитувчининг ўқувчилар билан олиб бориладиган ўқув ишлаб чиқариш ишлари учун ҳам шарт-шароитлар яратилган бўлиши керак.

4. Ҳар бир ўқувчи учун мустақил иш жойи ажратилган бўлиб, у тегишли асбоб-ускуналар, мосламалар билан жиҳозланган бўлиши зарур.

5. Ўқитувчи учун намунавий иш жойи ажратилган бўлиб, у тегишли асбоб-ускуналар, мосламалар билан жиҳозланиши ва пол устидан 250-300 мм баландликда бўлиши керак.

6. Устахоналарда ўқувчиларнинг қулай ва хавф-хатарсиз меҳнат қилиши учун энг қулай шарт-шароитлар яратилиши лозим.

7. Ўқув устахоналари ҳажмдор ясси кўрсатма қўлланмалар билан, шунингдек, таълимнинг техникавий воситалари билан жиҳозланган бўлиши зарур.

8. Ёрдамчи хизматхоналари (асбоблар сақланадиган хона ва омборхоналар) ўқув устахоналарига яқинроқ жойлашган бўлиши керак.

9. Устахоналарда ўқувчиларнинг диққатини ишдан чалғитувчи ва меҳнат жараёнини бузувчи шовқинга ва ташқи овозларга йўл қўймаслиги керак.

Ўқув устахоналарининг майдони, мавжуд лойиҳаларга кўра, 70-90 м² ни ташкил этади. Устахоналар бир қаватли алоҳида бинога жойлашган бўлади. Улар таълим муассасасида ортиқча шовқин бўлмаслиги учун мактабнинг асосий биносидан бир оз нарироқда қурилади.

Ўқув устахоналари материаллар, ярим фабрикатлар, тайёр буюмлар, шунингдек асбоблар ва мосламаларни сақлаш учун зарур ёрдамчи хоналарга эга бўлади. Устахоналарнинг поли тахтадан тайёрланиши, улар яхши табиий ва сунъий шамоллатиладиган бўлиши меёрда табиий ва сунъий ёритилган иш

ўрни бўлиши, ҳаво температураси қишда 14-16⁰С, ёз даврида эса 20⁰С дан ошмаслиги керак. Ёритиш учун табиий ёруғликдан ёки шароитга қараб кундузги ёруғлик лампаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқув устахона деворлари силлиқ бўлиб, ёрқин бўёқлар билан шифти ок бўёқлар билан бўялиши керак. Булар хонанинг яхши ёритилишини таъминлайди. Устахонадаги жиҳозларнинг ранг жиҳатдан безатилишига ҳам эътибор бериш керак. Ёрқин, физиологик жиҳатдан асосланган бўёқлар жиҳозларнинг турли қисмлари, ишланувчи объектлар билан устахонанинг умумий фони ўртасида яққол фарқ бўлишини таъминлайди.

Устахоналардаги шовқин ва тебранишнинг камайишига шовқин ютувчи ва тебранишни йўқотувчи жиҳозлардан, энг тўғри меҳнат усулларидан фойдаланиш йўли билан эришилиши мумкин.

Ўқув устахоналаридаги асбоб-ускуналарни жойлаштириш вақтида ёнғинга қарши чораларга, меҳнатни муҳофаза қилиш ва саноат санитарияси талабларига риоя қилиш зарур, устахоналар асбоб-ускуналар билан тўлдирилиб юбормаслиги керак. Тикув машиналар ва уларнинг орасидаги ўтиш йўллари белгиланган меёрлар даражасида бўлиши лозим. Дастгоҳлар, тикув машиналарнинг охириги қаторлари билан устахона деворлари орасидаги масофа камида 0,5 м бўлиши керак.

Устахонада қўл ювиш, устки ва махсус кийим-кечаклар сақланиши учун санитария-гигийеник талабларига риоя қилган ҳолда шарт-шарот яратилган бўлиши керак.

Устахоналарнинг майдонидан оқилона фойдаланиш, уларнинг тоза бўлиши, асбоб-ускуналарнинг тўғри туриши, эстетика талабларига риоя қилиш ва намунали тартиб – буларнинг ҳаммаси ўқувчиларни интизомлилиқ ва давлат мулкани эҳтиёт қилиш руҳида тарбиялаш учун катта аҳамиятга эгадир.

Ўқув устахоналари сатҳини гуруҳдаги ўқувчилар сонидан ва битта ишловчи ўқувчига ихтисосига мувофиқ майдон меёридан (ўқувчи учун 4-5

м², шунингдек ўқитувчининг 5,5-7 м² га тенг иш ўрнидан келиб чиқиб аниқланади

Назорат саволлари

1. Ўқув устахонасида меҳнатни илмий ташкил этиш деганда нималарни тушунасиз?
2. Хизмат кўрсатиш меҳнати хонаси қандай жиҳозланиши керак?
3. Тўғри бурчакли шаклдаги устахоналар қандай жиддий камчиликларга эга?
4. Беш бурчакли устахона биноси қандай афзалликларга эга?
5. Устахонада ўқитувчининг иш ўрни қандай ташкил этилади?
6. Устахонада ўқувчининг иш ўрни қандай ташкил этилади?
7. Ўқув устахоналари қандай санитария-гигиена қоидаларига мос бўлиши керак?
8. Ўқув устахоналари қандай техника хавфсизлиги талабларига жавоб бериши керак?

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
2. Ишмухамедов Р, Абдуқодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъдод”, 2008. – 180 б.
3. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б
4. Нишоналиев У.Н., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С.. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007.

7-Мавзу Бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари

Режа:

1. Кўргазмали қуроллар ва уларни танлаш
2. Ҳозирги замон ўқув воситаларининг тавсифномаси.
3. Ўқитиш воситаларининг ривожланиш истикболлари

Таянч иборалар: кўргазмали қурол, номоддий кўргазмали қурол, моддий кўргазмали қуроллар, доска, схема, тарқатиладиган материаллар, проектор, диаграмма, график.

1.Кўргазмали қуроллар ва уларни танлаш. Дарсни ташкил этишда кўргазмали қуроллар муҳим ўрин тутади. Дидактиканинг асосий тамойилларидан бири дарснинг кўргазмалилигини таъминлаш. Айниқса, меҳнат таълимини ўқитишда кўргазмали қуроллардан фойдаланиш ўқувчиларга иқтисодий категорияларни, муаммоларни ўрганишда катта ёрдам беради.

Кўргазмали қуроллар ёрдамида ўқувчилар бир вақтнинг ўзида муҳокома қилинаётган саволни, ахборотни ҳам эшитиш, ҳам кўриш орқали қабул қилиши шубҳасиз уларни пухта билим олишларига ёрдам беради.

Кўргазмали қуроллар хилма-хил тараққиётнинг ўзи бир томондан, фанни чуқур ўзлаштиришни зарур қилиб қўйса, иккинчи томондан, дарс беришнинг турли-туман янги услублари кўргазмалиликни ошириш, техник воситалардан фойдаланиш, уларни қўллашни такомиллаштириш орқали билим олишни осонлаштириш, қизиқарли жараёнга айлантиришга ёрдам беради. «Билим олиш игнада қудуқ қазиш билан баробар» деган нақл бежиз эмас, чунки у ниҳоятда машаққатли меҳнат. Сабр-тоқатни талаб қилади. Табиий ёшларда энергия кўп, сабр-тоқат эса етишмайди.

Энг юқори малака, тажрибага эга ўқитувчилар ҳам дарсдан кўзланган мақсадга эришиш, ўқувчиларнинг мавзуни пухта ўзлаштиришлари учун доимо аудиторияга қараб, дарс машғулотини маълум бир тартибда аввалдан

қандай тарзда, қайси методларни қўллаб ўтказишини ўйлаб қўйиши, режалаштириши керак.

Дарсни тузилиши психологик ва педагогик тамойилларга кўра ташкил этилиши ва дарсда вазиятни ўзгариши, ўқувчиларнинг тайёргарлиги ва бошқа сабабларга кўра мослашиш имкониятини берадиган тарзда бўлиши керак. Дарсни қандай ташкил этишни режалаштириш, йўл кўрсатувчи йўлланма тарзидагина бўлиши мумкин. У ҳамма эшикни очадиган калит эмас. Сабаби: биринчидан, ўқув хоналар, ўқувчиларнинг дарсга тайёрланиб келиши, дарсга фаол қатнашиш даражаси билан синфлар фарқ қилади. Иккинчидан, мавзулар бир-биридан фарқ қилиб, масаланинг мазмунини очиб беришда турли усуллар қўллашни тоқазо этади. Учинчидан, ўқувчилар жонли мушоҳада юритувчилар экан, албатта бир дарс иккинчисидан фарқ қилади. Кутилмаган вазият содир бўлиши мумкинки, у ҳам албатта дарс ўтишга таъсир қилади, дарс таркибини ўзгартиришга олиб келади, Бунда ўқитувчи моҳир дирижёр оркестрни бошқаргандай аудиторияни бошқариши керак. Лекин кўргазмалilikни ҳар қандай шароитда таъминлаш мумкин.

Дарс жараёнида сўз билан ўқитувчи томонидан ёдга тушириш, ўқувчиларнинг ҳаёлида гавдалантириш мумкин бўлган ички, ҳаёлий кўргазмали куруллар: адабиёт, санъат асарлари, бадиий филм, бадиий асар қахрамонлари ҳаётда юз берадиган турли воқеа, вазиятлардан одатда кенг фойдаланилади. Ҳар бир дарсни бошлаганда энг аввало ўқитувчи ўтилган мавзунини ўқувчиларнинг ёдига туширади. Янги мавзунини бошлар экан, ўқувчилар диққатини унга жалб қилиш, фикрини йўналтириш учун адабиёт, санъат асарлари ёки ҳаётда юз берган воқеани гапириб бериш мумкин. Бу янги мавзунини ўрганишга ўқувчилар руҳи, кайфиятини тайёрлайди.

Машғулот жараёнида кўрсатиб изоҳлаш мумкин бўлган кўргазмали куруллар: жадвал, схема, плакат, чизма, диаграмма ва бошқалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг билиминини пухталаштиришда муҳим рол ўйнайди.

Дарсда доскани ишлатиш кўп вақтни оладиган, бошқа техник воситалардан фойдаланишга имкони йўқ аудиторияларда плакат, чизмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Жадвал, схема, график, диаграммалардан фойдаланиш универсал:

- аввалдан слайд плёнкаларга чизиб, техник воситалар ёрдамида кўрсатилиши;

- ватман қоғозга чизиб, техник воситалардан фойдаланиш учун шароити йўқ аудиторияда фойдаланиш;

- ксерокопиядан чиқариб, тарқатма материал сифатида фойдаланиш;

- дискетга киритиб, компьютер орқали кўриш, таҳлил қилиш мумкин.

Хуллас, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш даражаси кенг, улардан қандай тарзда, қандай мақсадда фойдаланиш ўқитувчига боғлиқ.

Ўқитувчи кўргазмали қурол танлар экан, албатта, аввало, маърузами ёки семинар дарсими эканлигини ҳисобга олади. Иккинчидан, қайси мавзу, бу мавзуда ўқувчилар олдида ўқитувчи нима вазифа қўймоқчи, мақсади нима, муҳокама қилинаётган муаммони ечишда кўргазмали қурол қандай ёрдам бериши мумкинлигини ҳисобга олиб танлаши керак.

Масалан, жадвал рақамларидан маърузада бирон гипотезани, илгари сурилаётган фикрни тасдиқлаш мақсадида фойдаланилса, семинар дарсида масала ёки машқ бажарганда фойдаланиш мумкин. Бунда ҳам кўргазмали қуроллардан фойдаланиш даражаси ўқитувчининг моҳирлиги, фантазиясига боғлиқ.

Кейинги пайтда дарсларда тарқатма материаллардан фойдаланиш тобора кенг қўлланилмоқда. Тарқатиладиган материалнинг муҳим ижобий томони шундаки, у бевосита ўқувчининг кўлида бўлиб, узоқдан кўрсатиладиган кўргазмали қуролларга хос камчиликлардан холи.

Кўргазмали қуролларнинг афзаллиги шундаки, уни дарс ўтишнинг барча шакллари, методларида қўллаш мумкин. Айрим мавзуларни эса умуман намоёиш қилинадиган материалларсиз, кўргазмали қуролларсиз ўтиб бўлмайди.

2. Ҳозирги замон ўқув воситаларининг тавсифномаси. Ҳозирги замон ўқитиш воситаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Натурал (табиий) объектлар. Табиий объектларга сирасига жонли ва жонсиз табиат объектлари киради, ўқувчилар улар билан машғулотларда тарқатма ёки номойиш қилинадиган материаллар шаклда танишадилар. Кўргазмачилик – табиий объектларни танлаб олиш ёки табиий объектларни ўз ичига таркибий қисм қилиб киритган турли қўлланмаларни лойиҳалашга қўйиладиган асосий талаблардан бири.

Шу мақсадда ўрганилаётган тушунчаларнинг мазмунини очиб бериш учун керак бўлган айрим типик белгиларни аниқ ифодалашга ёрдам берадиган объектлар ажратиб олинади. Натурал объектларнинг қўллезмалигини кучайтириш учун турли кодлаш усуллари қўлланилади: рангли, рақамли, ҳарфли. Табиий объектларни ўқитиш жараёнида улар билан ишлаш услубларидан асосийлари кузатиш ва тажриба ўтказиш ҳисобланади. Кўргазмали қўлланмалар сифатида ишлатиладиган табиий объектлар аввало унинг жиҳоз ва мосламаларига махсус ишлов бериш зарур: уларни кесиш, айрим белгиларга махсус ранг бериш қопқоқларнинг қобиғида кўриш туйнукларини очиш, ички бўшлиқларни ёритиш, лампа сигнал берувчи ўрнатиш ва ҳаказо.

Ўқув моделлари, муляжлар, макетлар. Моделлар табиий объектларнинг сунъий кўриниши бўлиб, уларнинг муҳим сифатлари, алоқалари ва муносабатларини қайта такрорлайдиган ўқув кўргазмали қўлланмалар ҳисобланади. Оригинал объект (микро ва макро объектлар) хусусиятларини кўрсатишда шартлилик (рамзийлик)ка амал қилинади, размерни катталаштириш ёки кенгайтириш орқали объект қурилмаси схема тарзида акс эттирилади. Моделларнинг энг кенг тарқалган типик турлари бу моддий (предмет) моделлардир. Моделлар ўз ҳажмига эга ёки текис моделларга бўлинади. Уларнинг оралиғида релйеф жадваллар жойлашган. Ҳажмга эга моделлар таркибий қисмларга бўлиниши мумкин (муфта ва ўзаги (атом йиғиндиси билан)), қисмларга бўлинмайдиган, қимирламайдиган, (белгилаш

комплекти) ва ҳаракатланувчи (ички ёниш двигатели, насос) бўладилар. Ҳажмга эга бўлган моделлар сирасига муляж ва макетлар киради. Улар ҳам умумтаълим ҳам техника фанларини ўқитиш жараёнида қўлланилади. Муляж (макет)лар дея биз шундай объектларни айтаемизки, улар моддий объектларга айнан ўхшатиб яратилган қўлланмалардир.

Муляж ва макетлар атроф-муҳит ҳодисалари предметларнинг ташқи белги ва хусусиятларини ўрганишда қўлланилади. Моделлар ўрганилаётган объектларнинг ички қурилмаси ва ҳаракатланиш тамойили, машина ва механизмларнинг кинематикасини ўрганилаётган вазиятларда бошқа алоқалар ва муносабатлар мазмунининг ҳам ўрганилишига имконият беради.

Ўқувчиларга тақдим этиладиган модел ва муляж (макетлар)лар ҳам худди табиий объектлар сингари демократсион ва тарқатма қўлланмаларга бўлинади. Турли хил моделларни лойиҳалаштиришда бу турдаги ўқитиш воситаларининг функция ва дидактик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда умумий педагогик-эргономик талабларни илгари суриш мумкин, яъни, ахборотлашган, ўқув жадвалини фаолиятнинг аниқ усулларига адекватлик (ўрганиш, қабул қилиш плакат, схема, диаграмма, график ва бошқалар) аниқ бир тушунча, кўникма ва билимларни шакллантиришда қўлланиладиган текис моддий ўқитиш воситасидир. Ўқув жадвали аниқ ва кўрғазмали ҳолда ўрганилаётган объект ҳақида илмий ахборот беради. Жадваллар турли хил бўлади. Композитсион – расм ва фотосуратлар;

Графикли: (чизма, диаграмма, схема ва бошқалар);

Белгили – рамзий формула, ҳарф ва сўзлар билан ифодаланувчи. Сўнгги пайтда электрлашган жадваллар кенг қўлланилмоқда, яъни, стендлар, хавфсизлик оид техникалар.

Ўқитиш воситалари орасида охириги пайтда энг кўп қўлланилаётган воситалар – бу плакатлардир. Плакатлар - қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт.

– плакатнинг мазмуни ўрганилаётган мавзуга оид бўлиши;

- плакатда ифода этилган чизма етарли даражада катта ва узоқдан ҳам кўра олиш имконини бериши керак;
- плакатдаги объектлар табиий ҳолатларида кўрсатиши шарт;
- плакатда тасвирланган чизмаларнинг қисмлари масштаб мутаносибли асосида берилиши керак;
- энг эътиборга лойиқ қисмлар алоҳида (бошқа) ранг билан ажратиб кўрсатилиши лозим.

Экран ва экран – товушлик ўқитиш воситалари ҳозирги замонда жуда кенг тарқалган ўқитиш воситаларидандир. Бу ўқитиш воситаларига қўйилган талаблар энг аввало уларнинг мавзуга оид, иккинчидан, сифатли бўлишидир.

Диопозитив (слайд) – бу ҳаракатланмайдиган ўқитиш экран воситаси. Диопозитив акс этган чизма ва расмлар одатда плакатдагидан яхши қабул қилинади.

Диопозитив – бу жуда қулай ўқитиш воситаси, чунки ўқитувчи ёрдамида материалнинг қисмини ёки бир кадрни алоҳида кўрсатиш мумкин. Ҳар бир кадр тўлиқ бир информатсияга эга. Диафилм ҳам ҳаракатланмайдиган экран воситасидир. Бу қўлланмаларнинг услубий ғояси муаллифларининг кадрлар кетма-кетлигини тامينланишига эътибор беришларидир. Кадрларнинг кетма-кетлиги ўзгарса информатсиянинг қабул қилинишида мазмун бузилиши рўй беради. Диафилмларни қўллашдаги қийинчилик – улардаги ахборотнинг кўплиги ва уларнинг қабул қилиб олиш учун вақтнинг етмаслигидир.

Бу қийинчилик дарсда диофилмларнинг айрим фрагментларини (бўлақларини) кўрсатиш орқали енгиллаштирилади.

Сўнгги йилларда ўқув филмлари ишлаб чиқарилмай кўйди. Уларнинг ўрнини ўқув видео ёзуви, информатсияни акс эттирувчи экран – товушли воситалари кино, радио, телевидиния, видеофилм ва диопозитивлар эгаллади.

Видео ёзувини қанча лозим бўлса, шунча марта такрорланиш мумкин, вақт кўрсаткичи асосида керакли информатсияни ёзиш мумкин. Видеокамера ёрдамида ёзиб олиш жуда катта имкониятни очиб беради. Келажакда

Ўқитувчиларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш мақсадига хизмат қилувчи видео ёзуви тизимлари чиқилади.

Ўқув материални мустақил ўрганишда ўқув ёзувларини катта аҳамиятга эга.

Ўқув асбоблари, мосламалари, лаборатория асослари тизимнинг ўта аҳамиятли бўлган қисмини ташкил қилади. Энг, аввало, у ёки бу асбоб нима учун хизмат қилишини аниқлайлик.

Тренажерлар – техника воситаларининг алоҳида гуруҳига киради. Тренажерлар меҳнат ишлаб чиқариш шароитларини имитатсия (ўхшатиш) қилади.

Тренажерлар уч гуруҳга бўлинади:

– Автомобил ва химиявий ишлаб чиқариш технологиясини тренажерлари (моделлаштириш ёрдамида ўрганилади).

– Аниқ бир интеллектуал фаолият билан боғлиқ бўлган тренажерлар. Масалан: тренажер имитаторлар, станокларни наладка қилиш имконини берувчи тренажерлар.

– Бирор бир ҳаракатланиш кўникмасини ҳосил қилиш учун тренажерларнинг алоҳида тури қўлланилади. Масалан: метални аралаш, деталларнинг фигурали қилиб ясаши учун хизмат қилувчи тренажерлар.

3. Ўқитиш воситаларининг ривожланиш истиқболлари. Умумтаълим мактаблари ва ўқув-моддий базалари ҳозирги замон ўқув жараёнида бир неча йўналишда ривожланиши:

– ўқувчиларнинг ўқув техника воситаларига нисбатан ижобий ёндошуви ва улардан самарали фойдаланишга нисбатан ижобий муносабатларини шакллантириш;

– ўқув кўргазма воситаларини қўллаш;

– ўқитиш воситаларининг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги.

Ҳозирги пайтда тўртта йўналишдаги янги информатсион технология ўқиш жараёнида қўлланилмоқда:

○ Нашриёт технологиялари.

- Телекоммуникация.
- Катта макетлар ва оммавий ахборот воситалари.
- Компютер робототехникаси.

Ҳозирги кунда илғор технологиялардан фойдаланиш борасида қатор қарорлар қабул қилинган. Ушбу технологиялардан фойдаланишга тиббиёт ходимлари ва психолог мутахассислар текширувидан сўнг рухсат берилиши лозим. Ўқитиш воситаларининг афзаллиги уларнинг юқори технологик имкониятлари билангина эмас, балки энг аввало ўқитиш самарадорлигини оширишдаги педагогик хусусиятлари билан белгиланади. Бу воситаларнинг айрим дидактик имкониятларининг кўрсатиб ўтиш кифоядир. Масалан: табиий ва техникага оид фанларни ўрганиш жараёнида янги информатсион технологиялар асосидаги ўқитиш воситалари тизими, хусусан, датчик ва мосламалар мажмуи ўрганилаётган шахсга изланишни кенг кўламда олиб бориш имконини беради.

–Тадқиқот ёки унинг бир босқични бир неча марта такрорлаш лозим бўлганда ўлчамларини қайд қилиб ёзиб бориш.

–Моделлаштиришнинг турли хил йўллари, хусусан, тажриба натижаларини қўллаш.

–Олинган маълумотларини қайта ишлашда автоматлаштиришнинг юзага келиши.

–Ўрганилаётган материалнинг турли шакллардаги тушунча ва тасаввурларини визуаллаштириш (кўргазмали қилиш).

–Техникавий мослама ва механизмларга тақлид қилувчи роботларни яратиш.

Турли хил йўналишларга мўлжалланган ишлаб чиқариш дастурлари фойдаланувчилар олдида билим олиш соҳаларида кенг имкониятларни яратади. Таълим олувчи нафақат тайёр информатсия асосида ишлайди, балки ўзи ҳам макетлар яратиш имкониятига эга бўлади, математик масалаларни ечиш, турли вазиятларни моделлаштириш, табиий фанлар-иқтисодиёт,

экологик ва гуманитар фанлар бўйича тадқиқотлар олиб бориши имкониятлари юзага келади.

Масофадан туриб ўқитишнинг келажаги порлоқдир. Масофадан ўқитиш компьютер технологиялар асосида амалга оширилади. Ўқитиш жараёнини комплекс равишда ташкил этишга катта аҳамият берилади. Ўқитувчи-педагог бу тизимни мукамал билиши шарт. Ўқитиш воситалари турли хил функцияларини бажариш билан бирга қатор имкониятларга ҳам эга. Ўқитиш жараёнлари учта асосий функцияни бажаради: маълумот бериш, тарбиялаш ҳамда ривожлантириш. Ўқитиш жараёнини кўргазмали ташкил этишда комплексли ўқитиш, педагогик жараённинг барча асосий функциялари ўқитиш воситалари орқали амалга оширилади. Ўқитиш жараёнини ўқитиш воситалари билан таминлашда иқтисодий ёндошув зарур. Танланган касб-хунарнинг истиқболли эканлиги ва оммавийлиги ўқитиш воситаларининг комплекслиги асосида лойиҳалаштирилиши керак. Иккинчи, шундай востиларни танлаш ва яратиш керакки, улар ўқув - тарбиявий масалаларини энг кам сарф харажатлар билан амалга оширишни таминласин. Ўқитиш воситаларидан комплекс фойдаланишнинг самарадорлиги уларни қўллашда ратсионал жиҳозланишга нисбатан аниқ талаб ва тавсиялар қўйилиши лозим. Талаб ва тавсиялар эса қуйидагилардан иборатдир: кўргазмали қурол, тарқатма материал ва дарсда қўлланилаётган ўқитиш воситалари керагидан ортиқ даражада қўлламаслик; дарсда қўлланиладиган воситалар (плакат, схема, модель, макет, муляж, детал ва бошқалар) ҳар доим олдиндан кўриб чиқиб танлаб олинган ва фойдаланиш тартибда тайёр бўлиши керак; техник восита ва бошқа кўргазмали қуролларда олдиндан ишлатиб кўриш лозим; индивидуал қўллаш учун танланган дидактик кўргазмали қуроллар ва бошқа қўлланмалар барча ўқувчилар учун етарли бўлиши керак; кўргазмали қуролларнинг етарли даражада кўрилиши ва эшитилишини таминлаш; ҳар бир дидактик материалнинг қўлланилиш мақсади ва ўрнини аниқ режалаштириб олиш.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Дарсни ташкил этишда кўргазмали қуролларнинг роли нималарда кўринади?
2. Кўргазмали қуроллар ёрдамида ўқувчиларни пухта билим олишлари учун қандай ёрдам беради?
3. Машғулот жараёнида кўрсатиб изоҳлаш мумкин бўлган кўргазмали қуроллар турларига нималар киради?
4. Ўқитувчи машғулотларга кўргазмали қуролларни танлашда нималарга эътибор беради?
5. Ҳозирги замон ўқитиш воситаларига нималарни киритиш мумкин?
6. Тренажерлар ҳақида маълумот беринг.
7. Ўқитиш воситаларининг ривожланиш истиқболлари ҳақида қандай фикрларни билдира оласиз?
8. Ўқитиш воситаларидан комплекс фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш учун қандай талаб ва тавсиялар берилади?

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
2. Ишмухамедов Р, Абдуқодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъдод”, 2008. – 180 б.
3. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б
4. Нишоналиев У.Н., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С.. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007.

Меҳнат таълимининг
таракқиёт йўналишлари ва
инновациялари
модули бўйича

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Амалий машғулотнинг мақсади – Тингловчиларда меҳнат таълимининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари модули бўйича амалий кўникмаларини шакллантириш

1- Амалиёт машғулот.

? Савол:

Меҳнат таълимига оид назарий замонавий концепцияларни қуйидаги жадвалга тўлдиринг.

№	Замонавий концепциялар турлари	Мазмуни
1		
2		
3		
...		

2- Амалиёт машғулот.

! Меҳнат таълимининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тоифалаб беринг!

№	Меҳнат таълимининг ҳуқуқий ҳужжатлари	Меҳнат таълимининг норматив ҳужжатлари
1		
2		
...		

3- Амалиёт машғулот



● **Вазифа: Меҳнат таълим ўқитувчининг касбий фаолият функцияларини берилган, унинг мазмуни изоҳланг!**

1. Гностик -
2. Лойиҳалаш –
3. Конструкциялаш –
4. Диагностик –
5. Прогностик –
6. Коммуникатив –
7. Ишлаб чиқариш-технологик –
8. Ташкилотчилик –

4- Амалий машғулот

Вазифалар! 1. Меҳнат таълими фан соҳасидаги инновацияларни сананг ва изоҳланг.

2. Меҳнат таълимидаги инновациялардан ВЕНН диаграммасини яратинг!

3. Меҳнат таълимидаги инновацияларни тоифалаш жадвалида тасвирланг!